



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 13 (4515)
2019 йил 29 март

МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ



айнан юқоридаги ташаббус рўёбининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, қисқа фурсатда вилоятдаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадий адабиётлар етказиб берилди. Ушбу хайрли иш Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, "Маърифат қарвони" ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари етказиб берилди.

Жорий йилнинг 19 март куни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишига эътиборни кучайтириш, маданият, санъат, жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёш авлод ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби масалаларга бағишланди.

батта, бугунги ёшларнинг билим даражаси, маънавиятига боғлиқ. Айниқса, глобаллашув даврида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, уларда китобга меҳр уйғотиш долзарб ҳаётий масала десак, муволафа бўлмайди. Шу маънода давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш юзасидан бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Жумладан, тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш юзасидан тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятида бўлганида

Маълумки, юртимиз аҳолисининг қарийб учдан бир қисmini ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Келажакимиз, ал-

Мазкур вазиятни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга қўшимча китоблар етказиб бериш режалаштирилмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва идораларга "Маърифат қарвони" лойиҳаси доирасида бадий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш борасида топшириқ берди.

Тез орада юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони фаолият кўрсата бошлаши, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига барча шаҳар ва туманларда кўчма китоб павильонларини жойлаштириш, "Библиобус"ларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш вазифалари юклатилдики, булар, албатта, тез фурсатларда ўз самарасини беради.

Абдумажид АЗИМОВ



ЖАВОНДА САРҒАЙИБ ҚОЛМАЙДИ

Жиззах шаҳрида ахборот ресурслари маркази (болалар кутубхонаси) — нурли, файзли қошона бор. Атоқли шоирларимиз Ҳамид Олимжон ва Ёулфия хайкаллари ўрнатилган муҳташам боғ тўрида қад кўтарган бу икки қаватли кўркем, баҳаво бино тезда эътиборнингизни тортади.

Зиё масканига қадам қўямиз. Унинг фойсесиди манзаранинг ўзиёқ сизни мутолаага чорлайди, кўнглингизда китоб ўқишга рағбат уйғотади. Жавонларда жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Алишер Навоий, Г.Маркес, Н.Гоголь, Ч.Айтматов, ўзбек адиби ва шоирларидан Х.Олимжон, А.Қодирий, Ш.Рашидов, Э.Воҳидов, А.Ориповнинг яқинда босмадан чиққан китоблари дид билан териб қўйилган.

Айни пайтда марказимизда бир пайтнинг ўзида юз нафар китобхона хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Бироқ соҳа бўйича мутахассис кадрлар жуда кам. Жиззах давлат педагогика институтида кутубхоначилик бўлими очилса, айни муддао бўларди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятимиздаги 542 та мактабда ишлаб турган 711 нафар кутубхоначининг атиги

Кун мавзуси

Хоналардан бирига кирмоқчи бўлиб турганимизда рўпарамиздан кувноқ, юзу кўзларидан бахтиёрлиги балқиб турган қизалоқ чиқиб келди. Танишдик. Бахмал туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Дилнавоз Сафарбоева экан.

24 нафари олий маълумотли. 38 нафари ўрта махсус маълумотли, қолган 600 нафардан зиёдининг соҳага мутлақо алоқаси йўқ.

— Пўлат Мўминнинг "Болажон, болажоним" китобини ўтган ҳафта олиб кетганим, маза қилиб ўқиб чикдим, — дейди у. — Ҳамюртимиз, ҳассос шоир Ҳамид Олимжоннинг янги китоби чоп этилган экан. Шунини олиб ўқимокчиман.

Мазкур ахборот-ресурс маркази вилоятдаги мактабларнинг кутубхоналарига услубий ёрдам кўрсатади. Бир қатор маҳаллалар ва болалар боғчаларида ойига бир марта кичик кўчма кутубхона ташкил этади. Йил бошидан ахборот-ресурс маркази Жиззах шаҳридаги "Шалола", "Азиза", "Сольнишча", "Баҳор", "Гўзал", "Кўёшча" каби болалар боғчалари, кўзи оқизлар интернат-мактаби, шунингдек, қатор маҳаллалар билан шартнома тузган ва уларга янги китоблар етказиб бериб турибди. Бир ачинарли томони, аксарият мактабларнинг кутубхоналари китоб фонди ўта ночор. Янги бадий асарлар йўқ ҳисоби.

— Китобсеварларимиз орасида ёшлар билан бирга меҳнат фахрийлари ҳам кўпчиликни ташкил этади, — дейди ахборот-ресурс марказининг бўлим мудири Гулнора Шарипова. — Юсуф ота Сайдиёров каби нурунийларимиз, Муҳаббат Муродова каби онахонларимиз кутубхонамизнинг фаол аъзолари. Улар ўтказилган барча адабий-бадий тадбирларимизни ташкил этишда, ёшларга китобга ҳавас, мутолаага иштиёқ уйғотишда бизга яқиндан қўмақлашиб келмоқдалар.

— Ўқувчиларда, умуман, ёшларда китоб ўқишга ҳавас уйғотишимизда республикамизнинг атоқли шоирлари ва ёзувчилари Анвар Обиджон, Сирожиддин Сайиди, Аҳмадҷон Мелибоевнинг зиё масканимизга ташрифи ва улар билан учрашувлар муҳим аҳамиёт касб этди, — дейди марказнинг ўрта ва катта ёшдаги болаларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири Нилуфар Ибрагимова. — Айни пайтда атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафидинов таваллудига бағишланган конференцияга ҳозирлик кўраямиз.

Ахборот-ресурс маркази директори Анвар Йўлдашев бизни ёш йигит, қизлар компьютерларда ишлаб турган кенг-мўл залга таклиф қилди.

Ахборот марказида бугунги кунда 20 минг нусхадан зиёд китоб бор. Фафур Фулом номидаги, "Ўзбекистон" каби нашриётлар билан тузилган шартнома бўйича марказ жорий йилда 100 миллион сўмлик китоб харид қилишни режалаштирган.

— Бизда интернетдан бугунги кунда ўн уч мингга яқин киши фойдаланиб келмоқда, — дейди у. — Ахборот-ресурс маркази аъзолари сони эса ўттиз минггача. Мультимедиа дарсликларимиз 648 та, электрон маълумотларимиз 11350 дан ортки.

Китоблар бор, яна келтирилади. Лекин муаммо шундаки, китоб ўз ўқувчиларини топармикин? Жавонларда сарғайиб қолмасмикин? Ҳамма гап шунда. Ҳар бир ўқитувчи, тарбиячидан тортиб ота-оналаргача улар олдида қўйилган талаб шу: фарзандларимиз китобхон бўлиши, ҳар бир хонадонда муъжаз кутубхона бўлиши лозим. Шу муаммони ҳал этишга ҳаммамиз жадал киришимиз лозим.

Ахборот-ресурс маркази 2006 йилда ташкил топган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда ҳозирги зиё маскани бунёд этилди. Унинг қурилишига 3 миллиард 280 миллион, жиҳозлаш учун 1 миллиард сўм сарфланди.

Абдулла АХМАД,
"Жиззах ҳақиқати" газетасининг адабий котиби, ёзувчи

САҲНА ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ



27-март — Халқаро театр куни бу йил ўзгача шукӯҳда ўтгани билан кўпчиликнинг ёдида қолди. Зеро, шу йилдан бошлаб мазкур тадбир бир ҳафта давомида барча театрларда очиқ эшиклар куни тарзида ўтказилиши, томошалар бепул намойиш этилиши ҳақидаги хабар театр мухлисларини беҳад хурсанд қилди. Етти кун давомида пойтахтимиздаги ва вилоятлардаги барча театрлар заллари томошабинлар билан тўла бўлди, баъзи спектаклларда театр ходимлари йўлақларга стуллар қўйиб беришди. Ҳатто тик туриб спектакль кўрганлар ҳам бўлди.

Албатта, томошабиннинг театрга бундай муносабати борасида одамлар ўртасида ҳам, ижтимоий тармоқларда ҳам турли фикрлар юзага келди. Бундай шов-шувлар орасида "Томошалар бепул бўлгани учун одамлар театрга оқиб келди", деган гаплар ҳам бор. Бундай гап-сўзлардан баъзи бир мулоҳазалар туғилди.

Агар томошабин спектаклга кириш бепул бўлгани учунгина театрга оқиб келган бўлса, у ўзини қизиқтирмаган томошага вақт сарфлаб ўтирмай, ярмидаёқ бу даргоҳни тарк этган бўларди. Ва, албатта, шу кунийёқ "Бориб бекор қилган эканман, бу томоша кўришига арзимайди", деган мазмундаги гап-сўзлар болалаб кетарди. Ваҳоланки, томошабинлар кўрган томошасидан мамнун экани сезилиб турди. Демак, театр мухлисининг бу санъатдан кўнгли совуған эмас. Ҳўш, унда томошабинни ушлаб туриш учун нима қилиш керак? Ахир, йил-ўн икки ой текин томоша кўрсатишининг ҳам иложи йўқ! Аввало, шу ҳафталик давомидаги театрлар репертуарини кўриб чиқсак, энг сара спектакллар намойиш қилинганига гувоҳ бўламиз. Бугун томошабинни қандай асарлар қизиқтираётгани аниқ. Демак, юртимиз театрлари жамоалари бугун репертуар масаласида жиддий бош қотиришлари ва мухлисларни зериктирмаслик йўллари излашлари зарурга ўшайди. Қолаверса, театрларнинг чипталари нархини ҳам яна бир бор ўйлаб кўриш керак. ▶ 5



ОҲТОБДЕК НУР СОҶАР КИТОБ

Уюшма фаолиятдан

Президент Шавкат Мирзиёевнинг китобхонлик маданиятини янада юксалтиришга қаратилган ташаббусларини юртимиз бўйлаб кенг ёйилмоқда. Ушбу хайрли тадбирлар усб келатган ёш авлодининг маънавий баркамол бўлиб улғайишига, уларнинг китобга бўлган қизиқишини, меҳрини ва интилишини оширишга, китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган.

27-29 март кунлари Қашқадарё вилоятида ўтказилган ана шундай тадбирлар улў шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов хотирасига бағишланган "Адабиёт кунлари" байрамига ула-ниб кетди.

Байрамнинг биринчи куни Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов яшаган хонадонда бошланди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Сайиди, таниқли

хуқуқшунос олим, академик Акмал Саидов, Плекханов номидаги Россия Иқтисодий университетининг Тошкент филиали ректори, академик Қаландар Абдурахмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бахтиёр Генжамурод, шоирнинг умр йўлдоши, "Филокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси Ҳанифа ая ва кўплаб адабиёт мухлислари иштирок этишди. Тадбирда Президентимизнинг адабиётни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибори, ижод мактабларининг ташкил этилиши ҳамда юртимизда кечатган маънавий ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Шундан сўнг адабиёт байрами Қарши шаҳридаги "Ватанпарвар боғи"да давом этди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан барпо этилган мазкур янги масканда юртин сивил, ватанпар-

варлик ва мардлик каби фазилатларни ифодалайдиган маънавий тадбирлар бошланди.

Абдулла Орипов номидаги ижод мактаб-интернати ҳамда Косон туманидаги Неқўз қишлоғида ўтказилган учрашувлар ҳаяжонли кечди. Улуғ шоир тақдир олган 44-сонли ўрта мактабда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номидан китоблар совға қилинди.

Ана шундай китобхонлик тадбирлари вилоятдаги туман ва қишлоқларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Ёзувчилар уюшмасининг тадбирлар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Шарифа Салимованинг "Бедор тун томчилари" китоби тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожид-

дин Мирзо шоира ижоди, унинг шеърини ҳақида гапирди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Фафуров, профессор Умарали Норматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ортки Абдуллаев, адабиётшунос Сувоп Мели ва бошқалар шоира ижоди ва фаолияти ҳақида сўзладилар. Шунингдек, Ўзбекистон халқ артистлари Марям Саторова, Замира Сунонова ва паркентлик ёш ижодкорлар шоира шеърларига бағишланган кўшиқларни ижро этишди.

Шоиранинг "Ҳаёт завқи", "Менинг баҳорим", "Хизр булоғи", "Тонгга қасам", "Гийҳлар билан тиллашган инсон", "Ватан суварати" китоблари мухлислар томонидан севиб мутолаа қилинмоқда.

Ўз мухбиримиз

МАДАНИЯТ РИВОЖИГА НИМА ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА?

Маданият муассасаларининг санъат ва маънавият ошёни, истеъдодли ёшлар камол топадиган зиё маскани сифатидаги ўрни бекиёс. Бугун шундай даврда яшашимизки, маданиятимиз ва миллий ўзгичлигимизни турли ёт ғоя ва мафкуралардан юксак маънавиятга таянган ҳолдагина ҳимоя қилиш мумкин.

Маълум бўлишича, ҳозир экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти ўттиз ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётди. Ёшларнинг ўз салоҳиятини намоен қилишига шариоит яратиш, зўравонлик ғоялари тарқалишининг олдини олиш учун уларнинг бўш вақтларини маъмул ўтказиш ва бандлигини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолаётди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида ёшлар бандлигини таъминлашнинг бешта йўналишини белгилаб берди. Бу йўналишларнинг, қамрови жиҳатидан, энг каттаси маданият соҳаси бўлиб, бу борада Маданият вазирлиги томонидан ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш бўйича Концепция ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Концепциянинг учинчи босқичида 32 та маданият марказида 95 та қўшимча тўғарақ ва хаваскорлик бадийи жамолари ташкил этилиб, минг нафар ёшлари қамраб олиш кўзда тутилган. 15 та болалар муҳити ва санъат мактабида 11 та йўналишда 56 та қўшимча синфлар очилади ва уларда 540 нафар ёш ўзларини қизиқтириш учун турли билан шуғулланади. Бундан ташқари, таниқли санъаткорлар, музикачилар ва ёшларнинг сеvimли хонандалари, миллий рақс ва хореография санъати намояндалари иштирокида концертлар, маҳорат дарслари, ижодий учрашув ва мулоқотлар, кўрик-танлов ва фестиваллар ўтказилади. Маданият марказларидан узоқда жойлашган 150 дан ортиқ умий йўл таълим мактабда таълим олаётган ўн мингдан ортиқ ўқувчи қизлар учун рақс санъати тўғарақлари ташкил этилади. Хар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари вилоят театрида ёшлар учун махсус спектакллар, сешанба ва жума кунлари вилоят музейида очик эшиклар кунди, маданият марказларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган Ишчи гуруҳи аъзолари

ли эмаслигидан сарсон-саргардон бўлишмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари туман раҳбарлари билан мулоқотда маданият ходимларининг шарт-шароитларини яхшилаш бўйича аниқ амалий таклиф ва муаммони ечиш йўллари ҳақида сўрашганда, камчиликларни бартараф этишга доир илиқ гапдан нарига ўтилмади. Тушунтиришлар натижасида маданият маркази учун 40-ўрта мактабнинг бўш турган хоналари тавсия этилди. Ишчи гуруҳ мактабга борганда, бинонинг ички кўриниши хароба аҳволда эканлиги, дераза ойналари йўқлиги, хоналар электр, иситиш тизимлари уланмагани, бу ерга ёшларни жалб этиб тўғарақлар ташкил қилиб бўлмаслиги аниқланди. Ахир, қайси ота-она фарзандини шундай жойга жўнатади.

Туман марказидан 7-8 километр масофадаги 1976 йилда маданият саройи сифатида махсус лойиха асосида қурилган, икки қаватли 600 ўринли

Очигини айтганда

томоша зали ва 20 та хонага эга, паркет полли "Малик" маданият маркази эса сўнгги 5-10 йил ичида қаровсиз ҳолда қолдирилган, томдан ёмғир ўтиб, алпақачон ночор аҳволга келиб қолган. Марказ директори Ф.Ботиров хаваскорлик тўғарақларини ташкил этиб, ёшларни қамраб олиш учун шарт-шароит йўқлигини айтиб, бинони реконструкция қилишда амалий ёрдам сўради.

"Бахт" маданият маркази "Шерхон" хусусий корхонасига қарашли бинода ижарада фаолият олиб боради. Ҳолбуки, 1980 йилда махсус лойиха асосида қурилган ва 2001 йилгача туман маданият бўлими балансида бўлган ушбу маданият саройи туман раҳбарларининг ўзбошимчилиги билан 2002 йилда Бахт енгил саноат коллегияси билан қўшиб юборилиб, ўрта-махсус қасб-хунар таълими бошқармаси балансида ўтказиб берилган. Айни чоғда коллеж тугатилган. Маданият саройи эса бўм-бўш бўлиб, эгасиз аҳволда хувиллаб ётибди. Туман ҳокимлиги аввалги хатоларни тўғри-лаш учун маданият саройини "Бахт" маданият маркази балансида ўтказиб берса, айни мuddада бўлар эди. Ана шунда, бўш вақтини қаерда ўтказиш-

ни билмай юрган 11 мингдан ортиқ бахтлик ёшларни турли хаваскорлик тўғарақлари ва маданий тадбирларга жалб этиш учун катта имконият яратиларди.

– Бахт шаҳарчамизда истеъдодли ёшлар жуда кўп, уларни тўғарақларга жалб этиш учун эса бино йўқ. Ҳозир марказимизда фаолият юритаётган учта хаваскорлик театри, катталар ва болалар учун эстрада хонандалиги тўғарақларига қирққа яқин ёшни қамраб олганмиз. Ижарада турганимиз, хоналар етишмаслиги сабабли тўғараққа қатнашиш истиғини билдирган ёшларни жалб эта олмаймиз, – дейди тўғарақ раҳбари Сайёра Алиева.

"Ором" маданият марказининг ҳам биноси йўқ. Ҳозир Ўзбекистон кўзи оқизлар жамияти Сирдарё ўқув ишлаб-чиқариш корхонасига қарашли авариya ҳолатидаги бинода ижарада фаолият юритмоқда. Хона деворлари ёрилиб кетган, уларнинг совуқ ва захлигидан этингиз жунжиқади. Ёшларни бу маданият марказига жалб этишга кўрқасиз.

2018 йилда фойдаланишга топширилган "Истиклол" маданият маркази эса "хўжа кўрсин"га таъмирланган. Шунга қарамай маданият ва санъат фидойиси Эркабой Жумаев ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси учун турли маданий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Маданият марказларини чолғулар, овоз кучайтириш воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш масаласи ҳам ачинарли аҳволда. Иккита иситиш қозонхонаси мавжудлигига қарамай кўмир билан таъминланмаган. Хоналар совуқлиги учун ёшларни жалб этиш қийинчилик турдирмоқда. Ёшларнинг тўғарақ ва машғулотларга қатнаш истиғи бор, лекин борадиган жой йўқ.

Мана, сизга Сирдарё туманидаги маданият масканларининг аҳоли ва ёшлар тарбиясига бўлган муносабат.

Санъат ва маданиятнинг ривожини миллат равнақи демакдир. Зеро, дунё воқеалари шиддат билан ривожланиётган, глобаллашув жараёни янада жадаллашган пайтда маданият соҳаси ҳаётнинг асосий ва муҳим жабҳаларидан бири эканлиги ҳаммага маълум. Президентимиз таъкидлаганидек: **"Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак – мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди"**.

Бу сўзларнинг моҳиятини Сирдарё тумани ҳокимлиги мутасаддилари ҳам бот-бот эслаб туришса, маданият соҳаси ривожланиш сари юз тутган бўларди, деб ўйлаймиз.

Аброр МЕЛИБОЕВ,
ишчи гуруҳ аъзоси



ҚАРИЯЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Беш-олти йил аввал корхона ва муассасаларда пенсия ёшига етиб ишлаб юрган ҳар қандай ходимнинг ҳам юрагига ғулғула тушарди. Негаки, исталган пайтда ўша ходимнинг тажрибаси, жамоадаги ўрни, корхонага келтираётган нафидан қатъий назар қўлига меҳнат дафтаридаги тулқинларди. Ишда қолган тақдирда ҳам жамоада мунгайибгина юрарди. Шундай кўр-кўрона ёндашиш туфайли кўнлаб наирӣёт ва тахрирлардаги юзлаб тажрибали муҳаррирлар "кексалик гаштини" суршига жўнатилди. Бунинг оқибатида эса китоб дўконлари пештахталарини наридан-бери тайёрланган, китобхон саводини ғовлатадиган хом-хатала, тахрирталлаб китоблар босиб кетди.

Дарё суви нега ширин бўлади, чунки у йўл-йўлакай тошдан тошга урилиб пишиб боради. Худди шундай тажриба ҳам ҳаёт синволларида этилади. Узоқ йиллар наирӣётда ишлаган муҳаррирнинг тахрирдан тахрирга тажрибаси ошади, фикри тиниқлашади, сўз сеҳрини юракдан ҳис қила оладиган бўлади. Ёшларга ўрин бериш, албатта, ҳаёт қонуни. От ўрнини той босади. Худди шунингдек келсайган ходимлар ўрнига ёшлар келади. Аммо ўша ёш ҳам ишни тажрибали устоздан ўрганса, нур устига нур эмасми? Ёшлардаги шижоатни давлатдаги тажриба билан қўшиб устоз-шоғирдик мактаби давом эттирилса, бир ютуққа ўн ютуқ қўшилмайди?

Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий

Шукрона

қўллаб-қувватлашни кучайтиришга" оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони шарофати билан кўнларига мўлжалланган анча оширилган пенсия пулини олиб қувонч билан қайтаётган маҳалладошларни кўриб бир воқеа эсимга тушди. Онам уруш йилларида ўн уч-ўн тўрт ёшда бўлган. Қолхоз раиси унинг ёшини каттароқ кўрсатиб Бўзсув каналини қазиб ишларига жўнатган. Онам икки йил у ерда тупроқ ташиган. Кейин ҳам бутун умр қолхозда ишлаган, оғир-ёқлигига қарамай икки-уч қутилаб ипак қурти боқиб давлатга пилла топширган. Ана шундай меҳнатқас, ёши сабондан ошган бир кампирни 2010 йилда тўсатдан пенсияси тўхтатиб қўйилди. Нима эмиш, уларга керагидан ортиқ маблағ бериб юборилган экан. Тўғри, бундан онам оч қолгани йўқ. Лекин Ватан ободлиги учун қилган заҳматли меҳнати унутилиб, юзига солгандай бўлгани учун қаттиқ ўқиндилар. Бундай ҳолга фақат менинг онам дуч келган, деб ўйлайсизми? Бугун пенсия микдори анча оқори даражага кўтарилди. Иш-лаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ бериладиган бўлди. Уларга қонуний нафақаси тўлиқ тўланиши ижтимоий адолат ва ҳақиқий инсонпарварлик белгисидир. Яна минглаб пенсионерларнинг нафақаси қайта ҳисобланиб кўнлайтирилди.

– Хой кўшни, уйга қиринг, ош дамладим. Гап бор, – деди қибрайлик нафақадаги муаллим Зумрад Мадатқулова дугонаси Латофат опаникига чиқиб. Қачқаклашиб ўтирамиз.

– Тинчликми, овсинжон, жуда оғзингиз қулогингизда. Сигирингиз эгиз туғдими, – жилмайди Латофат опоки кўншинининг қувончдан чақнаб турган кўнларига хайрон боқиб.

– Бугун пенсиям келганди. Қарасам чўғи анча баланд. Ҳукуматнинг меҳрибонлигини қаранг, ўзимга сездирмай мени миллионер қилиб қўйибди. Суюнаман-да, айланай. Шундан набирамнинг тўйига тилла зирак олиб бераман.

– Вой, кўшни кўнглимиз бирлигини қаранг, мен ҳам сизни шодлигимга шерик қилмоқчийдим. Болаларим "Она, сиз узоқ йиллар фабрикада ишлагансиз, лекин пенсиянгиз негадир кам", дейишарди. Худого шукр, болаларим олдида юзим ёруғ бўлди – мен ҳам оширилган пенсия олдим, – жилмайди Латофат Мирзалиева.

Шубҳасиз, бугун юртимизда давлатимиз гамжўрлигидан минглаб отахону онахонлар шодланяпти. Бу гамжўрлик шубҳасиз, меҳнат фахрийлари кўнглини ёритди. Ободлик кўнглидан бошланади. Кўнгли қачон обод бўлади, қачонки чўкмаган, ўқинмаган бўлса. Нозик кўнгли қадрланса, тоғдек қуватга эга бўлади. Ўзининг кўп нарсаларга қодирлигини ҳис қилади.

Кеча Бектемирдаги "Истиклол" маҳалласида истиқомат қиладиган акамни йўқлаб бордим. Акам уйда йўқ экан.

– Э, бир ой аввал акангизни уйдан чиқаролмасдим. Маҳаллада "Оталар чойхонаси" қурилганидан буён уйга киргизолмаймиз. Ўзларига ўхшаш пенсионерлар билан чойхонада гурунглашишади. Газетхонлик қилишади. Анави Шухрат дўхтир Умра зиратида бориб келганди. Кеча ўша киши билан гурун бўлибди. Шухрат ака энди Умрага бориш учун аввалгидай йиллаб навбатда туришларга барҳам берилгани, йилнинг исталган пайтда кичик ҳаж зиратига имкон яратилганини айтибди. Акангиз ҳам маҳалла оқсоқолига ариза бериб келдилар. Яқинда, насиб қилса, неча йиллардан буён дилимизга тугиб қўйган орзумизга етамиз. Маккаю Мадинани тавоф қилиш бахтига эришамиз. Чолкамбир пенсиядан йиққанларимиз бемалол харажатга етар экан, – деди янгам.

Қадрласанг қадринг ошар, дейди халқимиз. Ватанмиз, қарияларини қадрлаётган юртимиз ҳам дунё бўйлаб қадрини топаётди. Бугун қадрланаётган қариялар, эъзозланаётган отахон-онахонлар ҳар тонг туриб дуога қўл очар экан, аввало, юрт тинчлиги, ободлигини таъминлаётган, фаровонлик сари шахдам одимлаётган Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан асрашини Яратгандан сўраб дуо қилади. Дуолар ижобат бўлсин!

Муҳаббат ҲАМИДОВА

ИСТИҚБОЛМИ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ

Яқинда "Ўзбекистон-Грузия" дўстлик жамиятининг аъзолари иштирокида навбатдаги ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Икки давлат ўртасида ўзаро бўстона алоқалар кўламининг янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу жамият фаолиятига бу йил 20 йил ўтди.

Ўзбек ва грузин халқлари ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда ўзининг АҚШга ташрифи доирасида Грузия Бош вазирини Георгий Квирикшвили билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик юзасидан мулоқот ўтказгани фикримиз далилидир.

Маълумки, Грузия Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий мамлакатларнинг бозорларига олиб чиқиш учун муҳим транзит давлат ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Грузияга автотомобиллар, тўқимачилик ҳамда электр техникаси

жиҳозлари экспорт қилиш билан бирга, Грузия йўллари орқали жаҳон бозорига чиқишдан манфатдордир.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик нафақат иқтисодий, балки адабиёт ва санъат йўналишида ҳам муҳим ўрин тутмоқда, десак, тўғри бўлади. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Корнелий Кекелидзе номидаги Грузия Миллий кўлёмалар маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши кутубхона ва фонд ишини янада такомиллаштириш, тажриба алмашиш, миллий меросни ўрганишга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати, бу учрашувда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг Грузия Миллий кўлёмалар марказида сақланаётган кўлёмаларидан фотонусхалар тақдим этилди.

Ўзбекистонда ҳар йили Грузия маданияти кўнлари ўтказилиб, унда ушбу миллатнинг кино, тасвирий санъат ҳамда бошқа кўнлаб соҳалардаги янги-

ликлари юртдошларимизга ҳавола қилиб келинади.

Ўзбек адабиёти каби грузин адабиёти ҳам бой ва қадимий тарихга эга. Грузин ёзувчиларидан И. Чавчавадзе, Г. Мдивани, С. Чиковани, И. Абашидзе ҳамда бошқа ижодкорларнинг поэтик ва драматик асарлари М. Шайхозода, Уйғун, Миртемир, Р. Бобожон таржималарида ўзбек китобхонлари қалбига йўл топди. Грузияда ҳам Ойбек, Абдулла Қаҳқор, Шароф Рашидовнинг повесть ҳамда романлари, Фағур Фулом, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом каби шоирларнинг поэтик асарлари таржима қилиниб, нашр этирилгани қувонарли ҳолдир.

Тадбир давомида жамият томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, жорий йилдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ориф НИҒМАТОВ,
"Ўзбекистон-Грузия"
дўстлик жамияти аъзоси

Тадбир ЮКСАК ЭЪТИБОР

Кунини кеча маданият ва санъат ходимларини беҳад хурсанд этган воқеа содир бўлди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу соҳаларда узоқ йиллардан буён фидойилик билан хизмат қилиб келаётган жонқуяр маданият ходимларини рағбатлантириш мақсадида "Маданият ва санъат фидоикори" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ҳукумат томонидан тасдиқланди. Ушбу кўкрак нишонининг таъсис этилиши Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан соҳага берилаётган алоҳида эътибордан далолатдир.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида мазкур қарорнинг ҳамда "Халқ чолғулари ижрочилари", Муҳаррама Турғунбоева номидаги "Миллий рақс ижрочилари" ва Юнус Ражабий номидаги "Ёш мақом ижрочилари" республика кўрик-танловларини ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг тасдиқлангани муносабати билан Матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Вазирлик Матбуот котиби Мавлуда Асқархўжаева олиб борган анжуманда республикамизнинг таниқли санъаткорлари, хонанда-созандалари, маданият ва санъат фидоилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Маданият вазирлиги бошқарма бошлиқлари Ж.Ниязбеков, И.Азимов, Мақом маркази директори С.Бегматов мазкур қарорларнинг маъмул-моҳияти ҳақида сўзлашдилар.

"Маданият ва санъат фидоикори" кўкрак нишонини Янги йил байрами арафасида юртимиз маданияти ва санъати ривожига қатта ҳисса қўшган инсонларга, дунё саҳналарида миллий маданиятимиз ютуқларини намойиш этиб келаётган ёшларга ва уларнинг устозларига, соҳанинг фидоий ходимларига топширилади. Зеро, ушбу мукофот йиллар давомида фидоикорона меҳнат қилган инсонларга муносиб рағбатдир.

Ўз ахборотимиз

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

«Муסיқий-назарий фанлар» кафедрасига кафедра мудири (1), доцент (1), «Муסיқали драматик театр ва кино санъати» кафедрасига профессор (1), доцент (1), ўқитувчи (1), «Кўғирчоқ театр санъати» кафедрасига доцент (1), «Вокал» кафедрасига катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1), «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» кафедрасига ўқитувчи (1), «Чолғу ижрочилиги» кафедрасига ўқитувчи (1), «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедрасига ўқитувчи (1), «Саҳна нутқи» кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1).

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУҲЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтаридаги нусхаси

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда қабул қилинади. Манзил: 100164, Тошкент ш. Яланғоч даҳаси, 127 «а» уй, Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

НОВОЕ

Фахриддин ХАЙИТ

КУЛИБ ТУРГАН БАҲОРСАН



Югураман елдай бетизгин,
Хузуринга қайтаман шошиб.
Сой ёқасин янтоқлар безар,
Қушқўмаслар қоқди киприк.
Қадамидан кимлигим сезар,
Елкасини тутуди кўприк.
Дарвозалар тортар бирдан саф,
Кўринди ҳовлилар гулзор.
Бу чаманга ёт эрур алаф,
Намозшомгулларнинг файзи бор.
Мана келдим, онажон қишлоқ,
Азиз тупроқ — жойнамозимсан.
Манглаймни босиб дилим чоғ,
Сенга сажда этаман, Ватан!

Баҳорга тухра

Гул ясабди хазондан қизим,
Ишдан борсам, қўлимга тутди.
Чин гуллардек нафис, бежирим,
Ташвишларни зумда унутдим.
Бир даста барг, бетакрор буткул,
Дилим равшан этар — машғалим.
Ўзи гулда, қўллари ҳам гул,
Куздан қўйлак бичади ҳали.
Ахир, кўнглим сен билан обод,
Кел, асраймиз шу гулдастани.
Қўлларига тутқазасан шод
Бир кун Баҳор келса ястаниб.
Яшнаб кетар уйғониб фасли,
Табассуми оламга татир.
Япроқлар ҳам, жон қизим, асли
Баҳорнинг шўх болаларидир.

Маскин

Юрак урар кўксимда бетин,
Отланаман доволар ошиб.

Қадрайди ҳар миқоқ
Фурсатни саодатдек.
Ҳисоблайди содда чол
Меҳнатни ибодат деб.

Холдан тойса, бош қўйиб
Ухлаб қолар пайкалда.
Кетмон турар кеккайиб
Чала қолган ҳайкалдай.

Эрир кесак болиши,
сув “қулоқ”дан тошади.
Чол уйғониб фонусини
кўёшга алмашади...

Ёшлик

Оймомонинг ҳарир барида
То тонгача бедорсан, ёшлик.
Қизғалдоқнинг ол лабларида
Кулиб турган баҳорсан, ёшлик.

Новдаларга гунчалар осиб,
Булбулга қуй улашган ўзинг.
Кўк далага кўксини босиб,
Шамол билан сирланган ўзинг.

Қиз яноғи каби олларан,
Сенинг олов бўсаларингдан:
Қояларда қирмиз лолалар
Унар гўзал гуссаларингдан.

Кўлдан қўймас суратларингни
Ишқи оташ, қалби чўғ пари.
Ошкор этар ҳайратларингни,
Киприқларинг, қорачиқларинг.

Оймомонинг ҳарир барида
То тонгача бедорсан, ёшлик.
Қизғалдоқнинг ол лабларида
Кулиб турган баҳорсан, ёшлик.

Кекса сувчи

Зим-зиё тун баҳрида
кўкдан юлдуз, нур инди.
Кенг даланинг бағрида
ойдин шуъла кўринди.

Инсон дили муҳри бор
ҳар боғу ҳар чаманда.
Эгатларга сув тарар
кекса сувчи, чамамда.

Сал нарида пишқириб
ер тепар от-улови.
Чол қаламда бошқариб
борар сувнинг жиловини.

Тун билан эргашиб
юрар митти шуъла ҳам.
Кампирнинг келар гаши:
“Чол бошинга нима гам?”

ОЙДИННИСО

МУҲАББАТИ
АСИРАСИ



Ўсгин, болам, меҳр эмиб,
Сехр эмиб завққа тўл.
Сен девларни ўлдирмагин,
Меҳринг билан таслим қил.
Меҳр болам, сехр болам,
Эр султоним, алла-ё.
Икки дунни эртак айлар
Қахрамоним, алла-ё.

Назар сўрдим Яратгандан,
Солиҳ бўлу комрон бўл.
Юрагимга кўнган икки
Бахт қушларим, омон бўл.
Бўйинг ўссин, дилинг ўссин,
Тоғ-довоним, алла-ё.
Сенинг билан элинг ўссин,
Кенг жаҳоним, алла-ё.

Узр. Кетдим. Хафа эмасман.
Бари айб ўзимда, ўзимда.
Девона кўнглимда ва шахсан
Қадрини билмаган изимда.

Узр. Кетдим. Хафа эмасман.
Олдий кундан байрам кутган мен.
Ҳар лаҳзамдан қувончлар ясаб
Ва ўлдириб, мотам тутган мен.

Узр. Кетдим. Хафа эмасман.
Ўргатибсиз севишни кўпроқ,
Қандай ўрганагин билмасман
Энди ташлаб кетишни бироқ.

Узр. Майли. Хафа эмасман.

Нима қилай сизни соғинаверсам?
Нима қилай кўнглим тийиқсиз бўлса!
Тўйу мотам ичра оғринаверсам —
Бир кўзим йиғласа, бириси кулса.

Шоирлигим ила чарчатдим сизни —
Қалб етиб, сўз етмас изҳорим ила.
Ахир нима қилай шу ҳолдан беэиб,
Шу ҳолга умримни берсан бир йўла.

Нима қилай бўғзим қўйдирса савол,
Сизни жавобсизлик ўртаса шундай.
Бир пайтнинг ўзида эҳтиёж, малол
Нима қилай дилини титратса бирдай.

Нима қилай сизни соғинаверсам —
Сизданми, менданми, ўлкалай кимдан —
“Нега шунақасиз?” десаму севсам,
Воз кеча билмасам шундайлигимдан...

Борган сари муаттар ҳаво,
Бунда ҳар не афзалдан афзал.
Асли ширин бўлган бу ҳаёт
Борган сари баттарроқ гўзал.


Шодумонлик бахш этар, ҳатто
Ғамгин куйнинг дилини эзиши.
Гўзаллашган ҳаттоки хато
Ва хатони юрак сезиши.

Борган сари муҳаббат яққол,
Туйгуларинг тобора баланд.
Эски доғлар энди безак хол,
Сочингдаги оққа қасдма қасд.

Ҳаёт гўзал, йўқ зарра гарди,
Борган сари мукамал, бекам.
Борган сари кўп унинг қадри,
Борган сари ундан ҳақнинг кам.

Агар ўлим-житимсиз тўл тушса, чўпоннинг муртини болта кесмади дегани. Хайдаркул ҳам суруви чиқитсиз бойиб елкасидан тоғ ағдарилганди, кайфи чоғ. Кийим-бошини алмаштириб, йўлга отланди. Қизилнинг дарасидан чиқиб келиб, Катманнинг ҳоварига етганда оти адирга тираслаб кетди. Дарҳол селга томон жиловини бурди. Намгарчилик жуда эрур, дея мамнун жилмайди. Тошлоққа чиққач, йилки яна йўрғалади. Соя бетларда ҳали қор эриб битмаган, чувоқ бетлар эса ям-яшил тўл орсан. Бундай ҳавода одамнинг юрган сайин юргиси келади. Илик-илик келса хут, қади-қади бўлар сут, деганча чўпон хиргойи қилиб, бир маромда қамчи билан бўрбойига тирс-тирс уриб келмоқда. Қиш адоғи илик келганидан оғзи қўлғида, худойим баҳорини берса, марра бизники деб қўяди. От жиловини бұш қўйиб ширин хаёллар оғушида қишлоққа тушиб борапти. Кўча-қўйдаги кўринганга бош ирғаб саломлашади. Тўхташ ҳамсоясини белкетмон ушлаган болалари билан боғида ивирисганига кўзи тушгач, қизқисиниб от жиловини тортиди.

Холмуҳаммад КАРИМИЙ



ЧОРВА
ОРАМИ

Хикоя

— Салом бердик. Салом бердик. Ишлар унсин, ҳамсоя, — дея чўпон беписандлик билан эгарнинг бошига ўмган ташлаб, кўзлари катта-катта очилган кўйи бир чуқурга, бир Тўхташга қаради. — Буни нима маси энди, туппа-тузук боғни жувонмарг қилиб?
Тўхташбойнинг икки ўгли бир-бир қатор дарахтнинг тагини бош-адоқ қовлаб бораётган эди. Буларнинг иши чўпонга дарахтларни қўйратаётгандек кўринди. Тўгри-да, буйити томири очилган дарахтнинг белига арқон солиб сал силтаса ёки андак шамол турса йиқилади, кейин бир тўда ўтин бўлади қолади. Мевадор дарахт бошқа нимага ҳам яради?
— Астафурулло денг-а, ҳамсоя, — деди белга ияк суяган Тўхташбой, — дарахтларни йиқитаётганимиз йўқ, қайтага, боғни яшатиш учун саҳардан типирчилаб ётганимиз.
Чўпон ишонқирамайроқ ўша ҳолатда бўрбойини охиста қамчиллаб чуқурларга узоқ тираслаб қолди. Хеч нарсага ақли етмади. Хайрон бўлиб, мени мазаҳ қиляпсанми дегандек, ўмганини кўтариб, ростлангач иржайган кўйи Тўхташбойга тик қаради. Хиёл жийрилган лаблари четида нафрат ажинлари пайдо бўлди.
— Қандайгасига?
— Гўнг соламиз, бир-икки чангалдан дори ҳам сочамиз; азотми, фосформи, шунга ўхшаб, — деди у чўпоннинг димоқ-фириноғи сезмагандек, чуқурларга қўли билан ишора қилиб, — устидан тупроқлаб аввалгидек текис-лайимиз-да, жўяқ олиб сувлайимиз. Қарабсизки, боғ гуркираб турибди-да.
— Мен бўлса, томири билан кўпоряпти деган хаёлга борибман-э.
— Э-э ҳамсоя-ей, ўзингизни билмасликка оласиз-да, — деди Тўхташбой пихиллаб қилиб, кейин белнинг дастасини қўлтиги остига олиб, чўпонга тик қаради. — Маккайи бўлса экан, устидан сочсак. Томирларнинг битта-ярымта юзакиси очилгани чин, асли, куч берадигани ерининг остида, ана ўшалар йил — ўн икки ой гўннинг зардобини сўриб ётади.
Чўпон паришон бўлди. Лекин ҳамсоясининг ишига ҳам, тушунтиришига ҳам қўйил қолди. Кейин мен ҳам шундай қилсам-чи, деган фикр хаёлида жонланди. Бирдан туси ўзгариб, ювош тор-

ган чўпон завқ билан воҳ-воҳ, ота маконим дея хайқирди. Хайқирқидан кишти келган жонивор ҳам жаранглатиб кишнади. Шу чоқ чавандоз жиловни бўшатди, от тикка нишабдан ташлади. Лак-лак қўшнини олға бошлаган қўмондон каби у елдек қўйилиб келаётган тулпор устида энгашиб, қўйқириб қамчини силқитиб борарди...
— Жансираб қишлоққа кўйиб келган Хайдаркул чўпон жиловни йлқис тортиб отни бир уюриб тўхтади-да, йўрғалатиб яна йўлга солиб юборди. Оғзидан кўпик сачратиб, сувлигини шақирлатиб чайнаган жонивор қаттиқ пишқириб, шаштимни қайтардинг дегандек ўйноқлаб-ўйноқлаб, майда-майда қадам ташлаб юриб кетди. Ўт-ўлан мавжи билан, довдарахт авжи билан томорқа борми, том-тош борми, барини панаси олган. Зардолои довуччалари данакдек-данакдек шиғиллаган, сиргадек тизилган олчалар кумуш тангадек ярқирайди. Тўхташнинг ҳовлисига етганда чўпон ўрнидан бир кўзғолиб қўйди. У ўз боғининг қандай яшнаганини эртароқ кўрмоқчи, бўжа хиди таратиб гўш қозонда қовурилатганида томорқа оралаб томоша қилмоқчи...
— Томорқасига етганда сесканиб тушди, кўзлари олайиб кетди. Бейхотиёр отнинг жиловини тортиди. Дарахтларга қайта бошдан сингалаб қаради қишда бехосдан сувга йиқилган тургандек қалтираб кетди. Ёнғоқ дарахтлари бағр чиқариши билан қуриб қолган, қабристон сингари сукут қўйида қилт этмай турибди. Супанинг олдидаги толлар баҳор елида от ёлдидек селкиллаб, кўзни ўйнатар чоғда бу нимаси?! Ачиниш билан бошини овоз кўтариб уф тортиди. Шу чоқ ҳамсоясининг боғига кўзи тушиб хайратдан қотиб қолди: унинг ёнғоқлари гуркираб ўсган, шиғиллаб ҳосилга ўтирган.
— Ҳамсоясининг кўмитриги Хайдаркул чўпоннинг миёсида яшиндек чакнади.
— Ха онагар-а, онагар Тўхташ! Бепичоқ сўйди-я, укағар тулки! Ёлга эрмак бўлибмиз, гўл бўлмай ўлайин аввали, ҳамма гапига чиппа-чин ишониб ўтирибман-а, — деди у қамчи дастаси билан бошига нукиб, — гўшингни кўзгунлар егур, қасдинг бўлса, ўзимдан олмайсанма? Бундай иш қилгунча бошинга рўмол ўра-е, сендекларга хайф эркаллик.
Кўш қаноти синган қушдек қўллари шалвираб тушди. Жиловни бўшашган жонивор ўзининг қадрдон охури сари йўрғалади. От дупурини эшитиб болалари югуриб чиқишди. Гапиришга ҳам ҳоли йўқ, жиловни каттасига узатди. Уйдагилар чурқ эшлаб ота қўлига сув қўйиб, йўл бўшатиб туришди.
Қанчалик соғинган бўлишмига, кичкиналар отасининг важаҳатидан кўрқиб олдига йўлашмади. Мисоли кар ва кўр бўлиб олган чўпон ҳамон қаҳрини босолмай титтарди. Чой ичишга ҳам ҳоли келмай болишларни қўшалаб ёнбошлади-да, қаттиқ «уф» тортиди.
Бердимурод бундай ёқимсиз сукунатни бузишга ўзида куч топди:
— Ҳамсоя поданинг гўнгини солган экан, биз бўлса кўйинг гўнгини солганмиз. Бунинг устига, икки баробар кўпроқ. Ёнғоқлар сўлиб жўнагандан Тўхташбой келиб, гўнгни олдириб ташлади-да, тинимсиз сув қўйдирди. Фойдаси бўлмади, захлаб бўлган экан.
Хайдаркул чўпон кўзларини катта-катта очиб, хайрат билан ўғлига қаради. Болшидан ёнбошини олиб:
— Поданинг гўнги эканми?.. — дея ингради-ю, манглайига шапатлади.

Шундай даврлар бўладики, мамлакат ҳам, халқ ҳам эркин ва осуда турмуш кечиради; шоирлар гўзал шеърларини, бастакорлар дилрабо куйларини, меъморлар маҳобатли иншоотларини яратишда давом этадилар. Яна шундай даврлар бўладики, мамлакат бошида ҳам, халқ бошида ҳам чақмоқлар чақиб, момогулдираклар наъра тортади; шоирларнинг қалам ушлашга, бастакорларнинг танбур чертишга, меъморларнинг янги иншоот тарҳини чизишга қўллари бормади. Давр таҳликалари шундай қурбатли кучга эга.

Тарих даврга бошқа ҳуқуқни ҳам берган. Ҳар бир янги эврилиш аввалгисига ҳолисона баҳо беради; кўкракларни нишонлар билан тўлган ёзувчилар, мусавирлар, бастакорларнинг савлатларига эмас, асарларига қарайди; муқовас тилла ҳарфларда товланган, лекин мазмун-моҳияти саёз асарларнинг бахридан ўтади.

Даврнинг ана шу ҳақамлик ҳуқуқи ёзувчилар ва уларнинг асарларига муносабатда, айниқса, аққол кўринади. "Жадид адабиёти" деганимизда ўн - ўн беш нафар ёзувчигина ёдимизга келади. Ваҳоланки, жадид ёзувчилари сони оз бўлмаган. Лекин уларнинг сараларига адабиёт тарихида қолган.

1917-1918 йиллардан кейин ўзбек адабиётига кириб келган ижодкор ёшлар большевиклар ўйлаб топган пролетар адабиёти бағрида уялган бошлади. Шу "адабий" муҳитда яшаб туриб, Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг асарларидан кўпроқ озиқ олган ёзувчилар кейинчалик пролетар адабиётнинг темир деворларини бузиб, майдонга чиқиб олди. Лекин қолганлари 50 — 60-йилларга қадар ижод қилган бўлишларига қарамай, унутиб юборилди. Янги тарихий-адабий давр уларнинг бахридан ўтди. Бу — ҳаёт қонуни. Бу ҳар бир янги тарихий даврнинг ҳақамлик ҳуқуқидир.

XX аср ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, Бехбудий ва Авлоний авлодидан кейин Абдулла Қодирий ва Чўлпон авлоди, ундан кейин Фафур Фулом ва Ойбек авлоди, кейин Асқад Мухтор ва Шўхрат авлоди, улардан кейин эса Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов авлодлари... вакиллари кўрамиз. Бу авлодларнинг ижодий меҳнати билан ўзбек адабиёти янги адабий тур ва жанрлар билан бойиди. Адабиётимизнинг ўнлаб асарлари Фарб ва Шарқ халқлари тилларига таржима қилинди. XX аср ўзбек адабиёти кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихига "адабиётимизнинг олтин асри" сифатида кирди.

Хозирнинг ўзидаёқ бир пайтлар иттифоқ ёзувчилар съездларига делегат бўлиб сайланган, адабий кечалар ва анжуманлар ҳайъатида савлат тўкиб ўтирган ёзувчиларнинг ярмидан кўпи унутилди, улар ҳам давр синовидан ўтиша олмади. Бугун рўйхати тузилса бир неча ҳоғоз исроф бўладиган ёзувчиларнинг асарлари нашр этилмайди, — деб дағдаға қилиш, чамамда, ўринли эмас. Зеро, ҳозирги ўзбек адабиёти бу ёзувчиларнинг асарлари забт этган маррадан шу қадар узоқлашиб, юксак босқичга кўтарилганки, уларни Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шўхур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод асарларини ўқиётган китобхонларга тавсия қилишга уялсан киши. Сирасини айтганда, бу ёзувчиларнинг асарлари ўз гоёвий ва бадиий-эстетик вазибаларини бажариб бўлган кўринади.

Шу кеча-кундузда Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти деб аталаётган тармоғида 50 жилдли "XX аср ўзбек адабиёти дурдоналари" туркумини яратиш устида иш олиб борилаётганда, М.Бехбудий ёки А.Авлонийдан Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповгача бўлган ёзувчиларнинг дурдона асарларидан иборат туркумга қайси асарларни киритишимиз керак? Хозирги на-вқирон ва келгуси авлодларга қайси ёзувчимизнинг қайси асарини дурдона сифатида тақдим этишимиз мумкин? Бор-йўғи 50 жилддан иборат нашрга 50 та дурдона асар топиладими?! Шундай саволлар тугилиши табиий. Бу савол-

ларидан иборат туркумга қайси асарларини киритишимиз керак? Хозирги на-вқирон ва келгуси авлодларга қайси ёзувчимизнинг қайси асарини дурдона сифатида тақдим этишимиз мумкин? Бор-йўғи 50 жилддан иборат нашрга 50 та дурдона асар топиладими?! Шундай саволлар тугилиши табиий. Бу савол-

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ОЛТИН ҲАЗИНАСИ

Ундан қай даражада баҳрамандмиз?

ларга жавобан дадил айтишимиз мумкин: "Топиладими, албатта, топиладими!" Абдулла Қодирийнинг "Утган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романи, Чўлпоннинг "Кеча кундуз" романи ва шеърлари, Фитратнинг юрт қайғуси фиғон қилиб турган шеърлари-ю "Абулфайзон" трагедияси, Ойбекнинг "Қутлуг қон" ва "Навоий" романлари

ли даражада таъминланмади. Аксар кутубхоналар ва газета киоскларини ёпишти. 200 000 нусхада чоп этилган романларнинг бугунги энг катта адади 5000 дан, шеъррий тўпламларнинг энг катта адади эса 500, нари борса 1000 нусхадан ортмаслиги жаҳон тамаддунининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган, Алишер Навоий каби



хамда шеърлари, Фафур Фуломнинг "Шум бола" қиссаси ва шеърлари, Ҳамид Олимжон ва Миртемирнинг шеър ва достонлари... Кейин-чи? Уйғун, Собир Абдулла, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Туроб Тула, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Шўхрулло, Сунатулла Анорбоев, Мақсуд Қориев, Саъдулла Кароматов, Жонрид Абдуллахонов сингари ёзувчиларнинг қайси асарлари давр синовида дош берди? Бу санокдаги ёзувчиларнинг қайси асарлари ёки асарларини дурдона дейиш мумкин? Умуман, биз XX асрда яратилган энг сара асарларни дурдона деб аташак, эл-юрт олдида уятли бўлиб қолмаймизми?..

Каминани, бир томондан, шу масалалар уйлантираётган бўлса, иккинчи томондан, адабиётимиз хазинасини авлодларга қолдириш меъёр ва мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги, ўрта ва олий ўқув юрталарида замонавий адабиёт ва унинг намоёндалари ижодини ўрганишнинг гоё ачинарли аҳволга тушгани безовта қил-

буюк шоир ва мутафаккирларни етиштирган ўзбек халқи учун ачинарли ҳол эмасми?!

СССР парчаланиши арафасида жуда катта қийинчилик билан бўлса-да, манглайига "халқ душмани" тамғаси босилган Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон асарларини тўплаш ва нашр этиш шарафига муяссар бўлди. Лекин Чўлпоннинг "Akademnash" нашриёти томонидан нашрга тайёрланган ва бор-йўғи 1000 нусхада чоп этилган 4 жилдлик, М.Бехбудийнинг шу нашриёт томонидан чоп этилган 2 жилдлик ҳали ҳам нашриёт омиборини тўлдириб ётибди. Ҳолбуки, филология фанлари докторлари, номзодлари, аспирантлар, магистрлар ва бакалаврларимиз шу қадар кўпки, улар бир нусхадан сотиб олганларидан ҳам бу икки нашр аллақачон сотилиб-тарқалиб кетган бўлар эди. Фан доктори ёки номзоди бўлган олимлар, аспирантлар, магистрларнинг шахсий кутубхоналарини бу ва бошқа машҳур ўзбек ёзувчиларининг куллитлари бебаза-ўқилиб турмасе, уят бўлмайми?!

Шундай бир ақида бор эди. Бу ақидага кўра, бирор кишининг қандай инсон эканлигини билиш учун унга: "Сиз кимнинг ва қайси асарини ўқиясиз?" деган савол бериш ва шу саволга берган жавобига қараб унинг кимлигини аниқ айтиш мумкин эди. Бугунги ёшларнинг илғор қисми Ойбек, Миртемир ёки Асқад Мухторнинг эмас, балки Кафка ё Жойс, ёки Кадзуо Исигоро сингари Фарб ва Шарқ ёзувчиларининг асарларини ўқиётган бўлиши мумкин. Умуман, ўқимагандан кўра хорижий ёзувчиларнинг асарларини бўлса-да, ўқиган яхши, албатта.

Шахсий фикр

Лекин адабиёт шундай гаройиб бир оламки, бу оламнинг ичига кириб, шу олам ҳавоиси билан нафас олган инсон ундан бутунлай бошқа одам бўлиб чиқади. Китобхонни сеҳрламаган асар — асар эмас. Китобхонни сеҳрлаб олмаган ёзувчи — ёзувчи эмас. Агар сизни Кафка ё Жойс, ёки Исигоро сеҳрлаб олди, бас, энди сиз "Утган кунлар"ни ўқиб, бир олам завқ олади-ган одамдан бошқа бир кишига айлана бошлаган бўласиз. Агар шу жараён давом этверса, сизнинг тафаккурингиз, дунёқарашингиз, миллий қиёфангиз ва моҳиятингиз тубдан ўзгаради. Сиз энди Ойбекнинг Йўлчисига ҳамдард бўлолмайсиз, сиз энди Миртемирнинг қишлоқ офтобидан қорайган қаҳрамонлари билан гурунган лаззат ола билмайсиз. Асқад Мухторнинг Очил бувашига хос донишмандлик энди сизга эзмалик туюлиб, гашингизни келтиради... Хуллас, сизнинг руҳий оламингиз, "менлигингиз" тамоман ўзгаради. Ҳатто отам-онангиз учун ҳам бегона киши бўлиб қолсангиз, ажаб эмас.

Адабий қаҳрамон, у хоҳ Отабек ёки Йўлчи, хоҳ Шолоховнинг Соколови ёки Айтматовнинг Едигей бўлсин, бошқа қаҳрамонлар билан бирга китобхонларнинг шахс сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Агар сиз Отабек ёки Йўлчи, Соколов ёки Едигей сингари "катта" қаҳрамонлар тасвирланган асарларни кўпроқ ўқисангиз, шу қаҳрамонларга ўхшаган катта шахс бўлиб шаклланасиз. Агар сиз энгил-елпи асарларни ўқидан нарига ўтмасангиз, шу асарлардаги энгил-елпи қаҳрамонларнинг реал ҳаётдаги нусхаларидан бири бўлиб қоласиз. Бадиий асарнинг эстетик таъсир доираси шу қадар кучлики, сиз севишли қаҳрамонларнинг учқур сўз ва ибораларини такрорлабгина, уларга ўхшаб кийинигина қолмай, агар улар инжиқ бўлса, сиз ҳам инжиқ бўлиб борасиз, агар улар танги ва саховатли адабий қаҳрамонлар бўлишса, сизга ҳам шу хусусиятлар, албатта, юқди. Алишер, Ойбек, Шўхрат, Отабек, Анвар, Йўлчи, Нодира, Зулфия, Кумуш, Гулнор, Хилола сингари "адабий" исмларнинг халқ ўртасида кенг тарқалгани ҳам бежиз эмас.

Бадиий адабиётнинг бу фазилатлари унутилиб бораётган Ойбек ва Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон ва Миртемир, Шайхзода ва Миркарим Осим, Асқад Мухтор ва Туроб Тула каби ёзувчиларнинг асарларида, бу асарлардаги ҳар бир образ ва ҳар бир поэтик воситада — ярим тундаги колдузлар янглиг — жилваланиб туради. Бу ёзувчилардан узоқлашиб, бу ёзувчиларни унутиб, бу ёзувчилар ижодидан баҳраманд бўлмаслик янги авлодларнинг шу кутлуг фазилатларсиз ўсиб-улгайишига, яъни манкуртлашишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратдан кейин адабиётимизнинг олтин хазинасини, биринчи навбатда, худди шу ёзувчилар ўзларининг юксак бадиий асарлари билан бойитиб берганлар.

Наим КАРИМОВ,
ЎзФА академиги

Тирик сатрлар

ОДИЛ ЁҚУБОВ САБОҚЛАРИ

► Адабиётда энг қийин нарса адабиётнинг — хоҳ у ёзувчи бўлсин, хоҳ шоир, хоҳ танқидчи — ўзига хос йўл топи олиши, бошқаларга ўхшамаслиги, тил ва услуби жиҳатдан ҳам, маҳорати билан ҳам бошқаларда ажралиб туришидир.

► Бирорта катта асарни тугатган ёзувчи уни, албатта, жиддий олим ва адаблар кўригидан ўтказиши даркор. Шафқатсиз бўлса ҳамки, ўз дўстларининг ҳаққоний баҳоларини сабот билан тингламоқ лозим. Ёнг муҳими, улар маслаҳати асосида асарини мукамаллаштириш ҳақида бош қотириши зарур. Чунки қўлёзма вақтида ёзувчи ўз асарини қанча ишлайман деса, шунча ишлай олади, китоб чиққандан кейин эса уни қайта ёзиш ёки унга жиддий тузатишлар киритиш имкони бўлмайди. Бу иш яна шунинг учун ҳам зарурки, муаллифнинг ёзган нарсаси ўзига доим яхши кўринаверади.

► Адабиёт аҳли камтар бўлиши керак, албатта. Покамтарлик ҳеч қачон яхшиликка олиб боради эмас, лекин камтарлик ниқоби остида эришган муваффақиятларимизни назарга илмаслик, яхши асарларимизни камситиб юриш ҳам фазилат эмас. Чунки адабиёт ва санъатда танқид билан рағбат ёнма-ён туриши керак. Камчилик ва нуқсонлар дўстона танқид қилинса, қўлга киритилган ҳар бир ютуқ қувонч билан эътироф этилиши лозим. Акс ҳолда ижод аталмиш оғир ақлий меҳнат билан шугullanувчи санъаткорнинг руҳига қаттиқ зарба берилади.

"Сўз" китобидан

дан суйган атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон эди.

Бахши-шоирлар билан ўтказиладиган учрашувлар завқли, ҳаяжонли бўларди. Улар ўзларининг истеъдод, ижрочилик маҳоратларини намоеён этишарди. Ана шундай таассуротли учрашувларнинг бири Пўлкан шоир билан бўлиб ўтганди. У киши дўмбирани салмоқ билан черта-черта "Дўмбирани" термасини, ундан сўнг "Ҳасан батрак" достонидан парчани қўйиб берди. Менга "Дўмбирани" термаси таъсир қилди. Дастлаб аънанавий тарзда туюлган тарзда давлат шoir ўзининг оғир ҳаётини, шахсий ички кечинмаларини оддий, аммо аламли сўзлар билан баён этганди. Эслиман, бу учрашувда Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зариф ва улар қаторида мен ҳам қатнашгандим.

Учрашув тугагач, мендаги ички туйғу Пўлқандан Россияга мардикорликка кетган кунларини билишга ундарди. Орадан кўп вақт ўтмай, шоирнинг хузурларига бориб, аввал-

Номодий мерос

гидек анча сўхбатлашдим ва қизиққан нарсамни сўрадим. Шунда Пўлкан шоир Россияда ўтказган мардикорлик даврини, у ерга мажбуран олиб борилган юрдошларимизнинг оч-наҳор меҳнат қилиб, дарахт кесилари ва турли мушкул ишларни бажарганликларини, ўрмонларда қийинчилик, очликдан айримлари ўлиб қолганликларини — хуллас, аянчли кўрган-кечирганларидан ҳикоя қилганди. Ростки, бахшнинг бардош, иродасига тан бердим ва у кишининг ҳаёти ниҳоятда машаққат, қийинчиликларга тўла бўлганлигини билдим. Шунда Пўлкан шоир: "Уша оғир кунларни ҳам бекорга совурмадик. Бир достонга битдик. Насиб қилса, бир катта китоб қилиб, Ҳоди Зариф чиқармоқчи бўп турибди..." деганларида, кўнглимда шоирнинг бадиҳағулиги, хозиржавоблиги-га қойил қолгандим. Дарвоқе, орадан йил ўтар-ўтмас "Мардикор" достони тўпламда нашр қилинди. Аммо китобни кўриш шоиримизга насиб қилдимки, йўқми, билмадим. Пўлкан шоирни ўша учрашувдан кейин бошқа кўрмадим. У кишининг вафот этганлиги хабарини ҳам эшитгандим.

Ҳа, атоқли бахши-шоирларимизнинг ҳар бирлари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилиш мумкин. Уларнинг ҳаётлари иборат, ижодлари ҳайратланарлидир.

А.ОТАБОВ тайёрлади.

Атоқли достончи-шоир Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ўзбек халқ достончилик санъатини дунё миқёсига олиб чиққан буюк бахшиларимиздан. У куйлаган халқ аънанавий достонлари миллий маънавиятимиз хазинасини бойитган ноҳир намуналардир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фольклоршунос Раҳим Қодир кўп йиллардан бери Пўлкан шоир ижоди бўйича изланиб келади. Олимнинг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Пўлкан шоир ибрати" китоби ана шу изланишлар самараси. Бетакрор сўз санъаткорининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотиралардан таркиб топган ушбу тўпламдан бахшиларнинг ҳаёти, ўзбек фольклоршунослик фани вужудга келаётган илк даврлар ва соҳа заҳматкашларининг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ воқеа, ҳодисалар Пўлкан шоирнинг мураккаб кечган умри ва ёрқин ижодига уйғун тарзда акс эттирилган. Устоз адабларимиздан Уйғун, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, таниқли олим Воҳид Абдуллаевнинг, шунингдек, шоғирдлари ва юрдошларининг хотираларида Пўлкан шоирнинг достончилик маҳорати, қувваи ҳофизасининг бетакрорлиги, инсоний фазилатлари, ҳаётининг айрим қирралари ифодаланган. Ушбу хотираларни ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган, сўнгсўз ва изоҳлар билан таъминлаган китоб муаллифи Раҳим Қодирнинг бой маънавий меросимизга эътибор ва эъзози ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир.

Куйида устоз адиб, атоқли шоир Уйғуннинг 1983 йили Р.Қодир ёзиб олган машҳур бахши-шоирлар ҳақидаги хотирасини ўқийсиз.



Атоқли халқ шоирлари ва бахшиларини илоҳий истеъдод соҳиблари, деб биламан. Чиндан ҳам шундай: уларнинг ўзларига хос бўлган салоҳият, қувваи ҳофизаларининг кенг ва беқийсиги, ижрочилик маҳоратларининг ранг-баранглиги — ҳаммаси мўжассам бўлган шахсининг истеъдодини кўрганда, шубҳасиз, ҳайратга тушади киши. Мен ҳам буюк бахшилардаги ана шундай ноёб, бетакрор хислатларни ўз кўзларим билан кўрганимда, улардаги қобилиятга, илоҳий истеъдодларига қойил қолгандим ва бу туйғуларим ханузгача қалбимдадир.

Мен атоқли бахши-шоирларимизнинг даярли барчасини кўрганман. Уларнинг ҳар бирининг қад-қомати, кўринишлари, достон айтишлари кўз олдимда.

Эргаш Жуманбулбул ўғли новча бўйли, алп қоматли, юзи оқ-сарғиш, нигоҳлари ўткир, ўта билимлилиги билан бошқа бахшилардан ажралиб турарди. Диний ва замонавий тушунчаси кенг бир аjoyиб инсон эди.

Пўлканнинг келбати полвонларга ўхшаш, гўладан келган, қалта қора соқоли бугдойранг юзига ярашган кўнгли очик, ҳазилкаш — ўзаро давраларда, мавруди келганда, қочирикли термалари билан барчани қулди-рар, шунақа шўх, ҳазил-мутўйибани хуш кўрадиган, хушчақчақ одам эди.

Исломо шоир, назаримда, бахшилар қаторида энг қувноғи, хозиржавоблиги-га уддабурроси, ҳаммани ўзига қара-тадиган бахши бўлиб, қотмадан келган,

ҳамиша қирчин, юз-кўзларидан мекр порлаб тургучи эди.

Фозил шоир бўлача — у достон айтганда салобат билан куйлар, кўп ўринларда тўхтаб-тўхтаб, нафасини ростлаб-ростлаб, сўнг вазмин овозда давом эттирарди. Пўлкан ва Исломо шоирларда бундай ҳолатни кўрмасдик. Улар достон ё термаларини бир бош-лашса, дарё суви қирғоқларидан тош-гудек бўлиб, улар ҳаёлотидан қуолиб келаётган сўзлар оқими тўхтовсиз эди. Бундай ардоқли ва атоқли халқ шоирларимиз Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли — Пўлкан, Исломо Назар ўғли сингари бахшилар ҳақида, уларнинг ўзларига хос истеъдод, ба-

диҳағулиги, достонлар куйлаганда воқеаларни жонлантириб, тингловчиларнинг кўз олдида янада жонли ва ишончли гавдалантириб, муболага, ўхшатиш, тимсол, ташбеҳларни ўрнида қўлай билиши, дўмбирани салмоқ билан чертишари ва достонни мароқли ва таъсирчан қилиб айтиш усуллари, одатлари ҳақида қанча мақтовли

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАЙРАМ



АТОҚЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ БАХШИ-ШОИРЛАРИ

сўзлар билдирилса-да, уларнинг истеъдодларини баҳоловчи сўз тополмаган бўламай. Уларнинг ҳар бири сўз дарёси ва илоҳий қувватга эга бўлган шахслардир.

Ана шундай атоқли бахши-шоирлар билан катта ва кичик давраларда бир-

дий мулоқот, сўхбатлар, учрашувлар шу шийпонда ўтказиларди. Албатта, ҳам дам олиш, ҳам ижодий ўрганиш сифатида баъзан бахши-шоирлар билан учрашув ташкил қилинарди. Бу ишларнинг бевосита ташкилотчиси ва бошида турувчиси фольклорни жон-дил-

САХНА ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Байрамнинг ўзига қайтадиган бўлсак, 26 март куни Ўзбек миллий академик драма театрига кираверишда эрталабдан янграган карнай-сурнай ва доира садолари театр соҳаси ижодкорларини, мутахассислар ва мухлисларини Халқаро театр кунининг тантанали қисмига чорлади. Тадбирни очган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг ўринбосари Камола Оқилова барча йиғилганларни касб байрами билан табриклади. "Илк баҳор кунларидан бошланган байрам шуқуҳи Наврўз тантаналарига уланиб, театр ходимларининг халқаро байрами билан яқунланмоқда, — деди вазир ўринбосари. — Бир ҳафта давомида мухлислар аёнана ва замонавийликни ўзида уйғунлаштирган томошалардан баҳраманд бўлишмоқда. Томоша залларининг тўлалиги ўзбек театри мухлислари ўз сеvimли даргоҳларига содик эканидан далолат беради".

на орти ишчиларининг хизмати катта экани ҳеч кимга сир эмас. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган меҳмонларнинг кутлови олқишлар билан кутиб олинди. Пойтахтимиз театрлари томонидан намойиш этилган томошалар дастури, таниқли эстра-

ликаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев очди. — Халқаро театр кунини арафасида ўтган устозларни эслаш хайрли иш, — деди вазир ўз сўзида. — Ўзбек халқининг бебаҳо удуми бу. Шаҳодат Раҳимова шахси билан боғлиқ воқеалар те-

"Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишонини таъсис этиш ҳақидаги қарор тасдиқлангани фикримиз далилидир. Театр байрамимиз Бахшилар фестивалига улаиб кетади. Кетма-кет яна қатор танлов ва фестиваллар олдимизда турибди. Байрамларимиз бардавом бўлаверсин.

Театр актёрлари томонидан режиссёр Аҳад Пармонов бошчилигида тайёрланган улуг актриса ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи композицияни мухлислар, санъат аҳли хайрат ва ҳаяжон билан томоша қилди. Томоша сўнггида саҳнага кўтарилган санъаткорнинг фарзанди, Россия халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Станислав Раҳимов онасининг руҳини шод этиб, шундай хотира кечасини ўтказгани учун ҳуқуқматимизга, Маданият вазириликка ҳамда театр жамоасига чуқур миннатдорлик изҳор қилди. Хонанда Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан биргаликда Ботир Зокиров ижро этган кўшиқларни куйлаганида залда ўтирганлар беҳитиёр миллий эстрада санъатимизнинг бетакрор даврларини эсладилар, ижрога жўр бўлдилар. С.Раҳимов, шунингдек, онасининг 100 йиллиги муносабати билан Москвада тайёрланган "Онамага бағишлов" деб номланган мусиқий альбомни тақдим этди.

Г.УМАРОВА



да хонандлари ижросидаги кўшиқлар табдирга файз бағишлади.

Шу кунни кечкурун Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида ўтган Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимованинг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси Халқаро театр кунини табдирларининг узвий қисми бўлди.

Тадбирни Ўзбекистон Респуб-

атримиз тарихида ноёб ҳодиса. Ҳамма ҳам 13 ёшида саҳнага чиқиб, йигирма ёшида "Ўзбекистон халқ артисти" унвонига сазовор бўлавермади. Шу билан бирга, Шаҳодатхоним биринчи ўзбек вокал артисти сифатида ҳам санъатимиз тарихида ном қолдирди... Маълумки, сўнгги икки йил ичида маданият ва санъатга эътибор ниҳоятда кучайди. Кунни кеча ҳуқуқматимиз томонидан

ЙИГИТЛАР РАҚСНИНГ УСТОЗИ

Отадан эрта етим қолган, ақлини таниб улгурмай ҳаётнинг аччиқ сабоқларини бошдан кечирган ва тасодиф туфайли рақс оламига кириб қолган санъат устаси, истеъдод соҳиби Шокир Аҳмедов бугунги кунда ўзбек эркаклар рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан. Бу ҳақда унинг издоши, шогирди, таниқли санъаткор Нарзиддин Шерматов шундай ҳикоя қилади:

ни кўларга кўтариб мақташ шарт эмас, фақат исми тилга олинса бас, чунки қалбга яқин бундай қадрдонлар кўнгил тубидан жой олган бўлади. Шокир акани шундай инсонлардан деб биламан. Бу одам саҳналаштирган рақслар ўзига жонлиги билан бошқа рақслардан ажралиб туради. Устоз саҳналаштирган кўплаб йигитлар рақслари таҳсинга лойиқ. Негаки бу рақслар ичида ўзим яшаганман. Шокир Аҳмедов бе-



— Болалар уйда тарбия кўриб, машаққатли турмуш шароитида униб-ўсган, бугунги кунда етук балетмейстер, кўплаб рақс санъати усталарининг устози даражасига етган уч кишини биламан. Булар Ўзбекистон санъат арбоби Акбар Мўминов, Ўзбекистон санъат арбоби ва Қорақалпоғистон халқ артисти Қўрқмас Соатов ҳамда мени илк бор саҳнага олиб чиққан инсон, Ўзбекистон санъат арбоби Шокир Аҳмедовдир. Дунёда шундай инсонлар борки, улар-

назир санъат соҳиби, шу кунгача меҳнат қилиб келаётган тенги йўқ ижодкор ҳамда меҳрибон устоздир.

Ш.Аҳмедов бугунги кунда юртимизнинг энг илгор балетмейстерларидан бири Қодир Мўминовни ҳам рақс санъатига бошлаб келган. "Инсон ўз йўлини топишида доимо нимадир ёки кимдир сабаби бўларкан, — дея хотирлайди Қодир ака. — Шокир Аҳмедов менга ҳеч ким қилмаган ёрдамни кўрсатган. Ҳатто туғишганларинг ҳам бера олмайдиган

меҳрни мусофир юртда менга раво кўрган. Қўлимдан ушлаб Москва давлат театр санъати институтининг балетмейстерлик факультетига бошлаб борган. Шокир акадаги жасорат, ёниқ қалб ҳеч бир санъаткорда йўқ..."


Дарҳақиқат, ҳамон саҳнада ёшлар билан баравар жавлон ураётган устоз ақинда 12 та йигит учун "Олов йигитлар" рақсини саҳналаштирди. Мазкур рақсини саҳналаштиришда Ш.Аҳмедов билан бирга катта ҳисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қаҳқоров ушбу номерни ўзбек эркаклар рақсида катта бурилиш сифатида эътироф этди.

Негаки, шу кунгача саҳналаштирилган эркаклар рақсларида кўпи билан етти ёки саккизта рақс ҳаракатлари қайтариларди. "Олов йигитлар" рақсида эса бир-бирини такрорламайдиган кўплаб рақс ҳаракатларини кўриш мумкин. Ш.Аҳмедов томонидан ўйланган бу ҳаракатларнинг барчаси маъно ва мазмунга эга. Айниқса, водий ва воҳа йигитлари чапанилиги ўйноқи, қизилқарли рақс ҳаракатлари орқали ифода этилади. Рақс жараёнида ҳаракатлар кетма-кетлиги енгил мусиқа остида бошланиб, секин-аста тезлашиб боради. Ҳеч бир ўзбекча эркак рақсида кузатилмаган ҳолат, яъни қўтилмаганда рақс маълум муддат тўхтаб, яна келган жойидан бошланиб кетади. Бу ҳолатни кўрган томошабинлар рақс тугадимики ёки ижрочилар рақс ҳаракатларини унутиб қўйдимики, деган хаёлга ҳам боришади. Назаримизда, бундай усул томошабинларнинг эътиборини жалб қилиш ҳамда рақснинг қизиқарли боришини таъминлаган. Урни келганда айтайтиш жоизки, рақс ҳар томонлама мукамал бўлса-да, ижрочиларнинг либослари мукамал ўйланмаган. Балки, бу ҳол маблағ масаласига бориб тақалар... Муҳими, рақс оламида яна бир ноёб санъат асари саҳна юзидан кўриди.

Ш.Аҳмедов ижоддан тўхтагани йўқ. Устоз янгидан янги рақсларни саҳнага тайёрлаш билан бирга, Муқимий номидаги мусиқий театрда саҳналаштирувчи балетмейстер бўлиб ижод қилмоқда.

Нурбек ҒОҒУРОВ

МУҲДИС ЭЪТИРОФИ



Экранда тиниқ осмонда сузиб юрган қумушсимон булутлар, оламни нағмаларига фарқ қилган қушлар, лолзорлар... Осмонлар дарахтлар остида ўт ўраётган Ҳаётжон. Сигир соғайтган она, нонушта тасвири ва Ҳаётжоннинг бўлажақ никоҳ тўйи "югур-югур"лари... Воқеа Фарғонада бўлаяпти. Иттифоқо, хизматдош дўстларини тўйга тақлиф этиши келган Ҳаётжон харбий қисмдаги ноҳуш ҳолатга дуч келиб, Ватан ҳимоясига отланади. Аслида жанг бораётган ҳудудлар ҳам унинг Ватани!

Лекин ўша Ватанга озор беришни мақсад қилган бир гуруҳ жангчиларга қарши курашда Ҳаётжоннинг умри фожиали яқун топади. Таниқли режиссёр Ҳилол Насимовнинг "Ҳаёт" деб номланган мазкур фильми Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида намойиш этилганда кўнгилда у ҳақда ёзиш истаги туғилди. Сценарий муаллифлари Иқбол Мирзо ва Зулфия Юнусова. Киноижодкорлар инсон ҳиссиётларини, кечинмаларини ниҳоятда ишонарли ва таъсирчан ифодалаганлар.

Фильм содда, раvon, барчага бирдек тўшунарли тарзда суратга олинган. Айниқса, воқеалар тугуни бўлиши тинчлик кўйида бахт наҳидасининг уфуриши жонли



эпизодлар орқали кўрсатилган бўлса, ечимда Ҳаётжоннинг кўзи очик кетиши ниҳоятда таъсирли чиққан. Юртимиз посбонларининг

меҳнати, Ватан, халқ учун жонфидоликлари реал тасвирланган ва бу жиҳат фильм бадий қиммати-ни оширган.

Омина ТОЖИБОЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси,
Икромжон АСЛИЙ,
шоир ва журналист

Халқ оғзаки ижодининг турлари кўп. Улардан биттаси термалардир. Одатда бахшилар дoston айтишдан аввал жамоанинг диққат-эътиборини тортиш, тингловчиларда муайян кайфият уйғотиш, ўзида ҳам мавзуга мос руҳ ҳосил қилиш, фикрларини жамлаб олиш учун терма айтади. Термаларнинг кўпи дидактик характерга эга бўлиб, кишиларни мардликка, ватанпарварликка, инсонпарварликка, вафо ва садоқатга чорлайди.

ИККИ БАХШИ - ИККИ ТЕРМА



Тарихий сурат

Бахшининг ўзи термаларнинг мавзусини танлайди ёки тингловчилар тақлиф қилишлари ҳам мумкин. Аксарият термалар куйловчининг таржимаи ҳоли, шунингдек, дoston қаҳрамонларининг фазилатлари ҳамда шарт-шароит ва воқеалар билан боғлиқ бўлади. Сурхондарёлик Чорша бахши Раҳматуллоевнинг (1932-2002) "Болалик чоғларимда" деб номланган термаси фикримизнинг далилидир. Мазкур термада болалиқнинг бебош савдolari, бепарволиклари, ўзига хос ўйин турлари тиниқ туйғулар билан ёдга олинади.

Автобиографик сатрларда бахшининг болалиги кечган жойлар аниқ кўрсатиладики, биз унинг Бўстонсойда улук-кўзи боққанини ҳам, Оқтўқайда сувга оққанини ҳам билиб оламиз. Энг муҳими, болалиқдаёқ бахшичиликка, куй-қўшиққа, шеърга иштиёқи баланд бўлгани аниқлашади.

Шоир терманинг кейинги қисмида устозлари ҳақидаги хотираларини баён қилади. Бу хотираларда унда болалиқдан кўнгилда касбга, хунарга уйғонган ҳавас, иштиёқ, аста-секин мустақамланиб, кўнгида маълум соҳага иқтидор ҳосил бўлиши, шоирнинг бахши бўлиб етишиш илдизлари очилган:

Назар бахши дўмбирани чертгани,
Эсон бахши Ойбарчинни айтгани,
Болаларни бўзлатиб йиғлатгани,
Кўшиқ айтиб, жўшиб наъра тортгани,
Шогирдим деб куй, терма ўргатгани,
Кўз олдидан сира узоқ кетмайди.

Чорша бахши тўққиз ёшида кўлига соз олиб, бобо бахшилар даврасида кўп бўлгани билан фахрланади. Улардаги жўшқинлик ёш шогирдни изланишга даъват этганини куйга солади. Термадан аёллар образи, уларнинг севги-муҳаббатлари тасвири ҳам ўрин олган. Чунончи, бир жувоннинг эркакча кийиниб, чўпонлик қилгани жонли, болаларча содда тилда куйланган. Устоз бахшилар санъати шогирдини ҳамisha сеҳрлайди, устозларга ўхшаш йўлида тинимсиз изланади. Терма охирида шоир асосий устози Мардонақул бахши ҳақида куйидаги мисраларни битади:

Мардонақул бахши
олқишлайди яша деб,
Тоғларнинг арчасидай узоқ яша деб,
Авжиг баланд,
энди дoston бошла деб,
Биздан мерос дўмбирани ушла деб,
Чечанликда эл кўнглини хушла деб,
Дуо берди: зўр бахши бўл,
Чорша, деб,
Васияти хаёлимдан кетмайди.



Чорша бахшининг бисоти термаларга бой. Улар маълум саналарга, тарихий воқеаларга, мавсум ва маросим билан боғлиқ табдирларга, фаслларга, яхши-ёмон хислатларга, севги-муҳаббат ва бошқа мавзуларга бағишланган. Бахшининг ижодида ҳаётдаги иллатларни фош этувчи ҳажвий термалар ҳам анчагина. Ўзбекистон халқ бахшиши Хушбоқ бахши Мардонақулнинг "Боботоғ" термаси ватанпарварлик, элпарварлик, табиатга муҳаббат гоъялари билан сурғорилган. Унда Боботоғнинг икки юрт ўртасида туриши халқлар дўстлигининг ифодасига ўхшатилади:

Бошинг турар Тожикистон элида,
Учинг келган Термизота чўлига,
Камар бўлдинг ўзбек-тожик элига,
Тоғ ичида саховатли Боботоғ.

Халқ ижоди — хазина

Боботоғнинг ҳавоси ҳам, арча, писталари ҳам кони фойда, дардга даводир. Бу ҳақиқат, термада шундай жаранглайди:

Кўлдаги созларим арча дастали,
Боботоғнинг бир қишлоғи пистали,
Борган шифо топар, бўлса хастали,
Дори-дармонларга бойсан, Боботоғ.

Тоғ, айниқса, баҳор ойларида яшнаб кетади. Умуман, Боботоғда мевали дарахтлар кўп. Ёввойи ҳайвонлар ҳам етарли. Овбоп ўрлар, манзарали сойлар кишига завқ беради. Шоир тоғнинг чўққилари, тошлари, сувларини ажиб бир ўхшатишлар орқали тасвир этади:

Қирра чўққинг Гўрўглининг отидай,
Сопол тошинг Мисқол пари бетидай,
Тарма сувинг говмиш сигир сутидай,
Инсонларга озик бўлган Боботоғ.

Бахши тасвиридаги тоғ дори-дармон бўлувчи гиёҳларга бой. Бугина эмас, у не-не дostonларга мавзу бўлган, "Алпомиш" дostonида ҳам унинг номи бор:

Пиедалаб кечиб, тоғнинг қорини,
Луқмони Ҳаким сендан тегиб дорини,
Пойга қилиб Ҳаким олган ёрнини,
Алпомишга мадад берган Боботоғ.

Куйидаги мисраларда Боботоғнинг афсоналарга, ривоятларга бойлиги, боз устига, тоғнинг турли кўринишлари дoston қаҳрамонларини, сулувлар чиройини ёдга солиб туриши завқ билан тасвирланган:

Чўхмор тошинг Ҳасан келбат бахшидай,
Икки ёнинг Сайёд овчи кушидай,
Опоқ қоринг Ойсанминг тўшидай,
Табиатга сайқал берган Боботоғ.

Хушбоқ бахши куйлаётган термалар ранг-баранг мавзуларда бўлиб, уларда она юрт мадҳи халқнинг тарихи, бугунги ва келажоғи билан боғлиқ эзгу тасвирлар, соф инсоний фазилатларни улуғлаш каби мотивларни учратиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, термалар Шеробод дostonчилик мактаби халқ бахшиларининг репертуарида асосий ўринни эгаллайди. Мавзу доираси ниҳоятда кенг бу термалар содда, раvon, халқоналиги билан ўқувчига завқ беради.

Рўзиқул МУСТАҒОҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

Хоҳишнинг, хоҳишманг оддийгина кулгининг ҳам сир-тироати ҳалигача тўлиқ таҳлил этилмаган. Илмий ва тарихий хужжатларга назар ташласак, кулги ўтган асрнинг 70-йилларидан илм аҳлини қизиқтира бошлаган. Натيجида, алоҳида дан — гелотология (юнончада кулгишунослик, деган маънони беради) пайдо бўлган. Олимлар бу соҳада илмий тадқиқотлар ҳам олиб боришган, турлича хулосалар айтилган ва... масала ҳамон очиқлигича қоляпти.

Нега ҳазил-хузул ёки шунга ўхшаш вазиятларда одам кулади? Кулги нима ўзи, нима учун ариятланган? Кулги ҳам Яратганнинг бандасига берган неъматларидан бири десак, тўғри бўлар. Кулиш-ку осон, аммо кулдириш

Хатто кулгининг турларига "ихтисослашган" одамлар ҳам бор. Масалан, кимдир масхарабознинг қилиқларидан кулади, лекин сўз ўйини ёки латифани унчалик тушунмайди. Хатто одамларнинг жисмоний нуқсонини ва муваффақи-

Самимий кулги кўнгилларни бир-бирига боғлайди. Ҳозирги кулгида бунинг акси юз бериши мумкин. Майин жилмайиш қиз болага қанчалик ярашса, ўринсиз шарақлаб кулиш уни шунчалик хунук кўрсатиши ҳам рост.

Кўп кулиш — қалбни ўлдирди, дейдилар. "Қобуснома"да меҳмон бўлгучи беҳуда кулавермаслиги, кўп кулиш — девоналикнинг бир нишониси эканлиги айтилган: "...кам кулиш бир нав сийёсат ва сабр-матонатдир. Шундай деганларки, беҳуда ва бевақт кулги гам ва ташвиш пайтида воқе бўлади".

Дўппини кўлга олиб, яхшилаб ўйлаб кўрсак, кулгининг ҳам муаммолари кўп: масалан, нима учун ҳаёт даражаси юксак давлатларда кулги "сусайиб" борапти?

"ШЧ тадқиқоти"

учун арзирли сабаб йўқ, деб ҳисоблашадим. Ҳозирги замон рақобати ҳар бир соҳада анча шафқатсиз тус олган. Шунданмикин, одамлардаги тажанилик эллик йил олдингидан ўн марта зиёд. Яна бир сабаб шуки, дунёда бойлар ва ноқорлар ўртасидаги тафовут катта. Одамларнинг даромадларидаги фарқ ҳам кулолмасликка сабаб бўлмоқда. Бу фарқ фақат мағлубиятга учраган одамнинг қайғуи солиб қўймай, муваффақиятга эришаётганларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатяпти. Чунки улар ҳам кимларнингдир ўзларидан кучлироқ, устунроқ, омадлироқ, деб билиб сиқилдилар, ҳасад қиладилар, куюнадилар, ўз ютуқларидан хурсанд бўлиб юрولмайдилар...

Яна, қайдам? Одамлар тобора жиддийлашиб кетаверса, оқибати нима билан тугайди? Кўп кулган одам ҳақиқатдан ҳам узоқ яшайдими? Кўп кулдирган одам-чи? Кулгининг кучи (калорияси) ростдан ҳам ўн та тухумга тенгми? "Кулгитерапия"нинг истиқболлари қандай? Самимий кулги билан сохта кулги ўртасида қанчалик фарқ бор?... Кўриб турганингиздек, бу саволлар устида нафақат руҳшунослар, балки социологлар, тиббиёт олимлари ва хатто сийёсатчилар ҳам бош қотиришлари мумкин.

Кулгининг яна айрим хосиятлари куйидагича:

- 1. Ҳаётдан қониқиб яшаш ва кулги бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Кулги — тушқунлик(депрессия)га қарши энг яхши шифобахш восита. Атиги бир дақиқалик кулги бутун бошли муолажа ўрнини босиши мумкин.
2. Кулги қадди-қоматни расо қиладди. 10-15 дақиқали кулги пайтида ярим соат спорт билан шуғулланганча кувват ажралади. Кулиш чоғида 80 та мушак ҳаракатга келади.
3. Иммуни тизимини кучайтиради. Хушчақчақ одамлар камроқ касал бўлиши исботланган.
4. Асабларга тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.
5. Кулги терини ёшартиради. Самимий кулгидан юзлар қизаради. Бу — терилар ҳаракатга келиб, қон айланиши ва озикланиш яхшиланганидан дарақдир.
6. Кулги юрак учун жуда фойдали. Хушчақчақ одамлар хомуш одамларга қараганда юрак касалликларига 40 фоиз камроқ чалинади.
Шуниси аниқки, ҳақиқий кулги — худди аксириб каби, инсон ихтиёридан ташқари ҳолат. Дейлик, ҳарбийча буйруқ билан одамларни зўрлаб кулдириш ёки аксинча кулгини таққа тўхтатиш мушкул. Устоз Саид Аҳмад айтганларидек, кулгиси келган одамнинг бўйинга олма бомбасини осиб қўйсангиз ҳам, кулаверди. Кулишиб юраверинг, ҳаммаси яхши бўлади...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

КУЛГИНИНГ МАЪНИСИ...

анча мушкул иш. Баъзан амал курсисидан ўтирган раҳбар латифа айтса, кулгили бўлмасан-да, ходимлари қотиб-қотиб кулишади. Баъзан эса, энг кулгили аския бўлаётган даврда ҳам хўрайиб ўтирган бир-иккита кимса учрайди.

Кулги қандайдир механик таъсирнинг эмас, балки ички ҳиссийларнинг намоён бўлиши. Тўғри, одамни қитиқлаб кулдирса ҳам бўлади. Аммо бу табиий кулги эмас, балки тананинг ташқи таъсирида жавоби, холос. Мутахассислар фикрича, ер юзидаги жонли мавжудотлар орасида фақат инсонгина ўзининг ҳис-туйғуларини кулги орқали ифодаларкан. Чақалоқ дунёга келгач, 4-6 ҳафта ўтиб кула бошлайди. Тўрт ойлигидаёқ қикирлаб куладиган бўлади. Олти ёшга етганда кулги унинг ҳамроҳига айланади. Шу ёшда бола кунига тахминан 300-400 марта кулади. Ёши улуг одамлар эса бир кунда ўртача 15 марта кулиши кузатилади. Кулгининг "юқумлилик" хусусияти ҳам бор.

Кулги бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлардан бирининг хулосасига кўра, аслида кулгига сабаб ҳазил-мутойиба ҳам эмас экан. Тадқиқотчи 2000дан зиёд кулгили ҳолатларни ўрганиб, шундай хулосага келган. Яъни инсон кулгили воқеа таъсирида эмас, балки шу воқеага муносабат изҳори ўлароқ кулади.

Умри давомида деярли кулмайдиган, хатто жилмайиб қўймайдиган одамлар ҳам учрайди. Уларни ҳеч қандай комедия, латифа, хангома, масхарабоз кулдиролмайди. Нега? Тадқиқотлар кўрсатишича, кулмайдиغانлар нотўғри нафас олади, атроф-муҳитдаги ҳар бир воқеа-ҳодисадан хавфсизраб, доимий тажанилик ҳолатида яшайди. "Кулмаган кунларимиз — яшамаган кунларимиздир", деган хулосада жон бор. Атоқли адиб Саид Аҳмад ёзганидек, умр давомида сира кулмаслик — уйланмай ўтиш билан тенг, деса ҳам бўлади!



ятсизлиги устидан кулувчилар ҳам бор... Буюк қизиқчимиз, раҳматли Ҳожибой Тожибоев айтганидек, ростдан ҳам кулгининг 97 хили мавжудми? Ҳар ҳолда, қандай кулиши ва нимадан кулишига қараб, одамнинг феъл-атворини аниқ айтиб берса бўлади.

Кулги тилсимини очишга руҳшунослар ҳам уриниб кўришди. Уларнинг фикрича, кулги — ижтимоий жараён. Масалан, уйда ёлғиз ўзингиз ҳар қанча кулгили комедия томоша қилсангиз-да, қаҳ-қаҳ отиб кулишингиз гумон. Аммо улфатлар даврасидаги бундайроқ ҳазил ҳам гулдурос қаҳқаҳага айланади. Яна бир вазиятни олайлик: бегона даврда айтилган кулгили хангомани ногаҳон эшитиб қолсангиз, уларга қўшилиб кулишингиз қийин. Чунки хангома кулгили бўлгани билан, ўзингиз бу давра учун бегонасиз. Бу ҳақда латифа ҳам бор: бир даврда раҳбар хангома айтар ва гурос-гурос кулги кўтариларди. Бир четда хомуш ўтирган одамдан, нега кулмаяпсиз, деб сўрашса, "Мен ишдан бўшаганман", дебди...

Швейцарияда бўлиб ўтган Халқаро кулги ташкилоти (шунақиси ҳам бор!) конгрессининг хулосаларига кўра, XX асрнинг 50-йиллари дунё микёсида иктисодий танглик чўққига чиққан давр ҳисобланади. Шунга қарамай, ўша вақтда англияликларнинг кулиш вақти кунига ўртача 18 дақиқани ташкил қилган. 90-йилларга келиб, Англия иктисоди олдинги даврга қараганда сезиларли равишда ўсди, одамларнинг турмуш тарзи ҳам яхшиланди. Бироқ англияликлар энди кунига атиги ўртача 6 дақиқани кула олишар эди.

Ҳозирги кунда нафақат англияликлар, балки дунё бўйлаб жуда кўп одамлар кулолмаслик касалига йўлиққан. Масалан, Германия, Япония, хатто Туркия ҳам "ҳазилни тушунмайдиган" давлатлар тоифасига киритилган. Самимий кулишни унутайтган халқлар қаторига хитойликлар ҳам қўшилган. Бугунги кунга келиб улар энг кам куладиганлар бўйича етакчиликни японлардан олиб қўйишмоқчи. Замондош хитойликнинг фикрича, уларга ҳазил-мутойибанинг қизиги қолмаганмиш. Айримлари эса очиқчасига айтганда, кулиш

Кўчалар ҳар кун машина билан тирбанд. Илгари бирор юмуш билан йўлга чиқсангиз манзилга етиб олиш катта ташвиш эди. Ҳозир мутлақо акси. Ҳатто кулгининг қашшига кўрқасан. Қўлинг чаканга етмай, камиди тўртта машина шундоққина биқинингга келиб тўхтади.

Икки кирақаш маҳобатли савдо маркази рўпара-сиди ҳасратлашиб қолди:

"ТИКО"ИНГИЗ КИЧКИНАМИ?..

— Кейинги пайтда кўчада бизга ўхшаган кирақашлар кўпайиб кетди.
— Нимасини айтасиз. Тунов кун эрта туриб, дурустроқ пул ишлаб оларман деб йўлга чиқдим-у, бу мен уйдаяйдиган иш эмас экан дея ўйлаб қолдим.
— Нега ундай дейсиз? Қанча-қанча одамлар таксичилик билан тирикчилик қиляпти-ку.
— Шундайликка шундайку-я, лекин буням элаган қиларкан. Кеча бир йўловчи ёнимга келди. Қаерга борасиз деб сўрасам, ўзимнинг шопирим бор, ҳозир келади, деди. Сал ўтмай, мижози келди-ю, машинага ўтирди-кетди. Ундан кейин яна икки киши келди. Калитни ўйнатиб, қаерга борасизлар, деганимни биланман. «Нима ишингиз бор, кўчада қолмагансиз ҳали», деб удағайлаб кетса бўладими. Уларнинг ҳам шопири бўлса керак-да.
— Сиз айтганингиздай, доимий мижоз топиш керак. Менинг қўшним маҳалладаги уч-тўрттаси билан келишиб олган. Эрталаб ишга бораётгандай ўша оилаларнинг болаларини мактабга, боғчага ташлайди, кечга томон уй-уйига олиб келиб қўяди. Улардан ойлук олади.
— Лекин ҳар кун қўлга пул тушиб тургани бошқача-да.
— Бир кун қизиқ бўлди. Бекатда одам тирбанд. Тўхтаб, Юнусободга борми, десам бир йигит келиб,



сия» олинг тоға, «Нексия». Шунда мижоз кўпаяди», дейди.
— Индамай қолавердингизми?
— Нега индамас эканман. Агар «Ласетти» олсам, беш мингдан берар экансизлар-да, дедим.
— Бир кун менда ҳам шунга ўхшаган иш бўлди. Шафдек келадиган йўловчи кўлини кўтарди. Олдига келиб тўхтадим. У аввал ўзимга, кейин машинамга қаради. «Сизнинг «Тико»ингиз жуда кичкина эканми», деди. Хайрон қолибман. «Ажазон, завод бир хил қоллида ишлаб чиқаради. Агар юзта чиққан бўлса, юз хил ҳажмда бўлмайди-ку. Чиқсан-

гиз, мана машина, чиқмасангиз каттасини пойлаб тураверинг», дедим.

— Ҳозир асаби чатоқлар кўп. Ўтган кун бир аёл қўл кўтарди. Тўхтадим. Олдидаги эрим, билмадим, аёлга дўқ ура кетди: «Нега қўл кўтардинг, киминг бўлади, мен турганда нега сен гаплагансан? Мени бекети қўлаёсан...». Қарасам, жанжал тўхтамайди. Аввал келишиб олинглар, кейин келарман, дедим-да, «сурдим».
— Кеча йўлакда бораётган уч кишидан бири кўлини кўтарганча, орқасига қарамай кетаётганини кўриб, кел, қўли кўтарилган-ку, тўхта-чи, дедим. Яқинлашиб, қаерга борасизлар, дедим. Отчопарга дейишди. Йўлда аста сўрадим.

— Ростанам қўл кўтарганингиз?
— Ҳа, нимага сўраёпсиз?
— Таваккал, тўхта-чи, дедим-да.
— Амаки, ҳозир шунақа, машина тўхтатишининг усуллари кўпайиб кетган. Кўлингизни кулгонизга ёки бошингизга олиб борсангиз, ёқангизни текислаш, шимингизнинг почасини қоқиш, чўнтагингиздан бир нарсани олиш учунми, хуллас, сал ҳаракат қилсангиз бўлди, таксилар ҳозир нозир бўлишарди, — дейди.
— Мана, бизнинг машинамизга шахмат белгиси қўйилган, а? Менингча, таксига минувчиларга ҳам йўл четида ярқ этиб кўзга ташланадиган бир мослама ўйлаб топиш керак.

— Балким, ҳўштак ўйлаб топиш керақдир. Лекин ҳозир ҳўштак чалувчилар ҳам кўпайиб кетган-да.
— Менингча, энг яхшиси... ҳалиги... нима эди-я... Шу пайт катта савдо марказининг қираверишида турган, европача кийинтирилган, ўнг қўли кўтарилиб, чап қўлига телефон тутқазилган маникен аёлга кўзи тушди. У гапини чала қолдириб, шеригидан илдамроқ машинасига ўтирди.
— Ҳа, биродар, йўл бўлсин?
— Биласизми, ҳалиги мижоз...
— Тўхтанг, қани ўзи? Мен биринчиман.
— Кечирасиз, бу сафар навбат меники.
— Тўхтанг, у мижоз эмас, халиги... нима эди-я...

Асрор СУЛАЙМОНОВ

БАРДАВОМ СУЛОЛА



Нигоҳ

Қамолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида Ўзбекистон замонавий сазгарлик санъати ривожига катта ҳисса қўшган, мусиқа асбоблари устаси Раҳматилла Зокировнинг "Соғинч" деб номланган кўргазмаси очилди. Устанинг падалари бузруквори ва устози, машҳур сазгар Хусан Зокировнинг хотирасига бағишланган маъзур кўргазма экспозициясидан дутор, танбур, рубоб, тор, гижжак каби йиғирмадан зиёд миллий чолғу асбоблари ўрин олган. Уста меҳр билан ясаган ҳар бир мусиқа асбоби садаф ва нақшлар билан безатилган. Олдий ёғочга ҳаёт бағишлаётган беназир уста миллий чолғулар турларини кўпайтириш, бойитиш, мукаммаллаштириш борасида кўп йиллар изланиш олиб борди.

— Болалигим отамнинг сазгарлик устахонасида ўтган, — дейди уста биз билан сўхбатда. — Ўша даврда болаларга илм бериш билан бирга хунар ўргатишга қатъий амал қиларди. Отам китоб ўқиймига ҳам алоҳида эътибор беради. Китобни овоз чиқариб ўқирдим, отамнинг қўли ишда бўлгани билан мени тинглар, баъзан нотўғри бўлиб қолсам қайтадан ўқитарди. Уйимизга таниқли ҳофиз чолғучилар, бастакорлар кўп келишарди. Миллий мусиқа ва қўшиқлар оламида улғайдим. Ўн олти ёшда отам вафот этиб, амакимга суяниб қолдим. Биринчи мустақил ишим аёллар учун ясаган дутор эди. Алломаларимизнинг ҳикматли сўзлари билан безатилган бу созини кўриб, амаким, машҳур уста Усмон Зуфаров "оқ йўл" тилади. Қўрқ йилдан ошди, ҳамон сўз яшаш иштиёқи билан яшайман. Мусиқа асбобини яшаш ҳам заргарнинг ишидек нозик, минг бир сирни бор. Масалан, мусиқа жарангдор янграши учун овоз берадиган ёғочни танлаш ва тебранишини ҳисобга олиш керак. Баъзида безатилган чиройли чолғу асбобидан жуда паст овоз таралишининг тувуқи бўлмайди. Бу ҳолат ёғочнинг тўғри танланмагани ва кўригилмаганидан далолат беради.

Уста Р.Зокиров сазгарликни янги ихтиролари билан бойитди ва бу соҳада ўзининг мактабини мустаҳкамлашга эришди. Мамлакатимиз ва хорижий давлатларда бўлиб ўтадиган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси бўлган моҳир уста 2017 йили "Эътифол" Миллий мукофотининг "Йилнинг энг моҳир хўнарамдони" номинатсияси голиби бўлди. Бугун уста ясаган сазлар овози мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб мусиқий жамоалар ва санъат мактабларида янграб турибди.



Тошкент Фотосуратлар уйида истейдолли сураткаш Назира Боймуродованинг "Гул ва Наврўз" деб номланган кўргазмаси очилди. Кўргазмада муаллифнинг бағрикенг диёримизнинг турли гўшаларида истиқомат қилувчи турли миллатла мансуб юртдошларимизнинг урф-одати ва маданияти, миллий либослари, бахтли болалик, аёллик нафосати, шунингдек, миллий қадрият ва анъаналаримиз, бетақдор манзаралар акс этган юздан ортиқ фотосуратлари намойиш этилмоқда. Бадий жиҳатдан пухта ва аниқ ечим топган фотосуратлари кўздан кечирганда Назира Боймуродованинг ўзига хос ижод йўли борлигига амин бўлади. Таниқли санъаткорларнинг баҳорини мадҳ этувчи куй-қўшиқлари, болажонларнинг жозибдор рақслари талбирга фойз бағишлади.

С.ҚОСИМОВА

ТИЛСИЗ ЁВ

Халқимиз оловни бежиз "тилсиз ёв", деб атамайди. Чунки олов тизгинсиз. Кимки эътиборсиз бўлса, кўнгилсиз воқеалар содир бўлади. Агар олов "ёв"га айланса, кимидир бошпанасидан, кимидир яқинидан, яна кимларнидир мол-мулкидан айирини мумкин. Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёвнинглар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили шунга кўрсатадики, ёвнинг аксаринг ҳолларда одамларнинг бепарволиги оқибатида келиб чиқмоқда. Кимдир уйдан элекстр тизимини ёки газ печларини хавфсизлик қоидаларига риоя этимасдан ўз билганича таъмирлайди. Натيجида, хатарли ёвнинг келиб чиқди. Аини шундай ҳолатларни корхона ва ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Батъи беғамроқ уй бекалари эса, газ плитасини ёқилган ҳолда, дазмони электрдан узмасдан қолдириб, ёвнинг келиб чиқишига сабаб бўлишмоқда.

Уй шароитида бунга асло йўл йўқмаслик керак. Аиниқса, ёш болаларни ёлғиз қолдириш, уларнинг гуфурт ёки ўт чиқадиган уйинчоқлар билан ўйнашига имкон бериш кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлишини доим эсда сақлаш зарур. Бу борада йўл бошидан бери пойтахтимизнинг Учтепа тумани аҳолиси ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Зеро, ўзини асрагани Яратган ҳам асрайди.

Ш.ФАҲУРОВ, Е.ЖЎРАБЕКОВ, Ёвнинг хавфсизлиги хизмати ходимлари

Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси Халқ артисти, Давлат мукофоти совиридор, созанда ва бастакор Бахтиёр АЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъати ва маданият институти ректорати ва жамоаси "Эстрада ва оммавий томошалар санъати" кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Фарҳод АХМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Асрор СУЛАЙМОНОВ

Advertisement for 'O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI' magazine. Includes contact information: Manzilimiz: Toshkent — 100083, Matbuotchilar kўchasi, 32. Elektron manzilimiz: uzas.gzt@mail.ru. Also features logos for 'akfa' and 'Juma kunlari chiqadi'.